

NOILA XOLMATOVA

1-sinf uchun
ODOBNOMA FANIDAN
sinfdan tashqari mashg'ulotlar



Toshkent - 2013

UO'K: 177(076)

KBK:74.200.51

X-74

ча 71 - Одобрнома

Xolmatova N.

1-sinf uchun odobnoma fanidan sinfdan tashqari mashg'ulotlar / Xolmatova N. -
Toshkent: «Nihol», 2013. - 60 bet.

ISBN 978-9943-23-069-9

UO'K: 177(076)

KBK:74.200.51

Хурматли ота-оналар!

Фарзанднинг мактабга чиқиши жуда катта қувонч. Бу даргоҳда у саводини чиқаради, илм олади. Орзуингиз – келажакда комил инсон бўлса, роҳатини кўришни истайсиз. Аммо қуш икки қанот билан парвоз қилганидек, аввало тарбияни, таълимни фақат мактабга юклашлик ноўрин. Мактаб ва оила узвийлиги бўлмас экан, фарзанднинг комиллигига эришиш мушкул. Бола мактабда олган билимини уйда такрорлаб, мустаҳкамлаб бориши ниҳоятда зарур. Бунда ота-онага катта масъулият юклатилади. Вазифангиз биргина “Дарсингни тайёрладингми?” саволини бериб қўйишгина эмас, балки кундалик дарс-топшириқларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилиш, одоб-ахлоққа доир суҳбатлар, машғулотлар ўтказиш.

Қаровсиз, ишлов берилмаган боғ кўнгилдаги ҳосилни бериши мумкинми? Асло! Фарзандингиз таълим-тарбиясидан вақтингиз, кучингизни аяманг! Нури-дийдангиз дарахт эмаски, қийшиқ-қинғир ўсганида тагига болта уриб, бошқа кўчатга алмаштириш мумкин бўлса! Ўз вақтида меҳнатингизни аямай, эътиборли бўлсангиз, улғайганда, албатта, юзингизни ёруғ қилиб, хизматингизда камарбаста бўлади.

Сизга тавсия этилаётган машғулотлар “одобнома” фанидан бўлиб, фарзандингиз билан шуғулланишингиз учундир. Ҳар бир машғулотга жуда жиддий ёндошинг. Машғулотларни ўзингизга, фарзандингизга маъқул бўлган вақтларда ўтказинг. Тушунмаганини қайта-қайта тушунтиринг, билмаганини билдиринг. Яхши ота-она билан фарзанд ўртасидаги дарс-мулоқотлар ҳар икки томонга ҳузур бағишлайди, меҳрни, эътиборни кучайтиради, оилани мустаҳкамлайди.

Дангаса ва худбин бўлманг! Сизга тилагимиз фарзандингизга берган меҳрингиз, эътиборингиз, илму одобингиз роҳат-фароғат бўлиб қайтсин!

Тўлқин Нурмуҳаммад

Ю 41534
0

Ю

ISBN 978-9943-23-069-9

Ofset Print MChJ, «Nihol» nashriyoti, 2013

Замондошларга мурожаат!

Илм ўргатадиган даргоҳлар кўп, ўрта мактаблар, лицейлар, коллежлар, институтлар, университетлар, магистратуралар, аспирантуралар...

Ўрганиш, ўргатиш, илм олиш бор, аммо яхши тарбия, одоб таълимини қаерда ўрганамиз? Яъни, севгини, марҳаматни, ўз манфаатимиздан кечиб, бошқа бир инсонни қувонтиришни, холис, мухлис бўлишни қаерда ўрганамиз? Бир-биримизни севишни, қувонтиришни қандай ўрганамиз?

Бунга ҳам устоз лозим...

Биз маҳлиё бўлаётган Ғарб жинойтчиликка қарши чора топа олмаяпти. Кўз кўриб, қулоқэшитмаган ваҳшийликлар ўша ерда туғиляпти ва жаҳонгатар қаяпти. Хўш, энди айтайлик, бугунда Ғарбдан нима олишимиз мумкин? Биз олмаймиз, деб рад этсак-да, бу ҳайвоний ахлоқларни тарғиб қилувчи турли китоблар, интернет тармоқлари, телевидение орқали уйимизгача кириб келяпти-ку! Уларни қандай даф қиламиз? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бир биродаримиз уйидаги телевизорни беркитиб ташлабди. Шу билан мақсадга етамизми? Кўчалардаги интернет клублар, видеобарлар, дискотекалар-чи?.. Уйингиздан анча узоқда жойлашган лицей ёки коллежга «Ўқишга кетдим», деб кетган фарзандингиз бу жойларга кирмай келишига ишончингиз комилми? Кўни-кўшни, қариндош-уруғ билан ош-овқатни баҳам кўрамыз. Зиёфатларда тинмаймиз, бир-биримизга гап бермаймиз. Ана шу суҳбатларга диққат қилайлик: тарбия ва унинг усуллари ҳақида ҳеч сўз юритамизми? Йўқ! Наридан борса, бировимиз фарзандимизнинг қайсар бўлиб бораётганини айтиб шикоят қилиб қўямиз. Энди эсимизни йиғиб олайлик! Агар сел келса, якка-ёлғиз ҳолда жон сақлаш қийин. Бир-биримизнинг ёрдамимизга муҳтож бўламиз. Қарайлик, ёмон тарбия сели ёпирилиб келяпти. Ўзимизнинг руҳиятимизни, фарзандларимизни, яқинларимизни бу бало селидан қутқариш учун қўлни-қўлга бериш вақти келмадимикин?

Кейинги йилларда илм даргоҳларида ислохотлар бўляпти. Қандайдир инглизча соҳаларни ўргатадиган муассасалар, жамиятшунослик, руҳиятшунослик, иқтисодиёт ва шу каби даргоҳлар мавжуд. Яна Ғарбдаги турли фондларнинг бўлимларикатта-каттапулларсарф қилишиб, нималар биландир шуғулланишади. Булар яхшидир, булар жамият учун зарурдир балки.

Лекин такрор сўраймиз, болаларимизга қаерда ахлоқ, одоб ўргатилади? Болаларимиз қаерда ахлоқ, одоб илми билан етарлича таъминланади? Бир ҳафтада бир соат одоб дарси етарли деб ўйлайсизми? Болаларимиз одоби хусусида бош қотириш, жон куйдиришдан кеч қолмайлик, азизлар...

Тоҳир Малик

1-mashg'ulot

1-sentyabr – Mustaqillik kuni

1. Ushbu matnни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг, тушунмаганларини тушунтиринг.

Biz yashaydigan yurt, Vatan nomi – O'zbekiston. Undagi har bir inson hur – ozod. Bolalari, yoshlari o'qiydi, ilm oladi, hunar o'rganadi. Kattalari mehnat qilib, farovon turmush kechiradi. Yoshi ulug'lariga hurmat ko'rsatiladi, e'zozlanadi.

2. Фарзандингизга қуйидаги матнни ўқиб беринг ва эрк, озодлик ҳақида суҳбатлашинг.

Erk

Bir kuni ohu tuyaga dedi:

– Hoy qudratli hayvon! Senga hech tushunolmayman. Nega sen o'zingdan behad zaif jonzotga qulsan? Axir, sen odamdan kuchlisan-ku?! Nega ularga bo'ysunasan? Jussam kichik bo'lgani bilan men hech kimga bo'ysunmayman. Erkinlikda yuguraman, yelaman.

Tuya dedi:

– Ey jussasi kichik hayvon! Odam mening yemishimni, ichadigan suvimni beradi. Erkalab peshonamni silaydi. Men bu yaxshiliklariga qarzdorman. Shu bois ularning xizmatini bajaraman.

– Ey bahaybat hayvon, – dedi yana ohu, – shu katta kallangda menchalik ham aqling yo'q ekan. Uning erkalab silashlari seni aldamasin. Ular o'z manfaatlari uchun seni erkalab silaydilar. Suv, yem beradilar. Sen esa peshonangni silaganlari uchun bo'yinturuq ostiga kirasan. Men esa hech qachon ularga bo'yin bermayman. Erkimni bergandan ko'ra o'limni afzal ko'raman!

Qissadan hissa shuki, qorin to'qligi erk evaziga bo'lmasligi kerak. Ba'zi insonlar nafslari yo'lida tuzoqqa tushadilar.

Afsuski, hatto bugungi kunda tirikchilik deya Vatandan ketib bo'yinturuqqa solinayotgan, o'zi uchun eng qimmatli ozodlikdan, erkdan mahrum bo'layotganlar uchrab turibdi...

2-mashg'ulot

O'zbekiston – ozod, obod diyor

1. Ушбу матни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг, тушунмаганларини тушунтиринг.

Vatan mehri

Vatan – bu biz tug'ilgan qishloq, shahar, biz yashayotgan makon, atrofimizdagi olam, tabiat, bog'cha-maktab, ota-bobolarimiz yashab o'tgan shu yer, shu zamindir. Biz nafas olayotgan musaffo havo, osmon, bizni o'rab turgan dov-daraxtlar, bog'u rog'lar – Vatan. Har kim tug'ilib o'sgan yerini sevadi. Bu tuyg'u hatto jonivorlarda ham bor. Agar biror hayvon o'z yeridan ayrilsa, begona yerga o'rgana olmay qiynaladi. Mitti chumolilarning ham yo'lini uyidan boshqa joyga bursangiz, u ming mashaqqat bilan bo'lsa-da, oshiyonini topib keladi. Shu guruchdekkina hasharotda ham o'z iniga – Vataniga mehr bor. Asalarining inini buzmoqchi bo'lsangiz, "Uyimni buzma!" deb sizga hujum qiladi. Shu makonda yashar ekanmiz, biz-da ona yerimizni sevib ardoqlashimiz ham farz, ham qarzdир.

2. Ушбу мақолни ёд олдинг.

O'zga yurtda shoh bo'lguncha o'z yurtida gado bo'l.

3. Фарзандингиз билан Ватан мавзусида суҳбат ўтказинг.

4. Ватанимиз ва ундаги айрим шаҳарларнинг номларини ўргатинг.

• **Катталар ўқисин!**

*Ҳар на яхшилик қилсанг, қилки юрт учун,
Ўзингдан орттир-у ўзгага бермак учун.*

Ҳайдар Хоразмий

Ватанни «она» дейдилар. Бу улуғ гап, том ҳақиқат. Ахир, бир жўжа ҳам онасининг иссиқ оғушисиз ҳалокатга учрайди. Демак, она Ватан – ҳаёт демақдир, одамнинг бахти ва саодати демақдир, инсоннинг ифтихори ва севинчи демақдир.

Воҳид Зоҳидов

3-mashg'ulot

O'zbekiston – jannat yurt

1. Дарсликнинг (бундан кейинги барча ўринларда «Одобнома» дарслиги назарда тутиляпти) 6-бетидаги матнни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг. Матн мазмунини тушунтириб беришини сўранг.

2. Фарзандингиз билан биргаликда куйидаги шеърни ўқинг. Фарзандингиз ушбу шеър ҳақидаги ўз тушунчаларини сўзлаб берсин.

Vatan

*Vatan, qizg'aldoqlar yopingan tog'lar,
Uyalib boshlari egilgan tollar,
Alla kuylayotgan munis onalar,
Beshik naqshlarida ko'raman seni!*

*Vatan, sumalakning xushbo'y isida,
Bog'lardasan, borsan o'rik gulida,
Sen osmonim mening, quyosh nurida,
Beminnat zaminda ko'raman seni!*

**Nilufar Jo'rayeva,
Farg'ona viloyati,
O'zbekiston tumani, 18-maktabning 5-sinf o'quvchisi**

3. Фарзандингиз дарсликдаги Ўзбекистон Давлат байроғи расмини кўчириб чизсин.

4-mashgʻulot

Oila – baxt qoʻrgʻoni

1. Дарсликнинг 10-бетидаги матни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг.
2. Фарзандингиз расмда кўрсатилган оила аъзоларини бирма-бир айтиб ўтсин.
3. Оила аъзоларингиз ҳақида суҳбатлашинг.
4. Матни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг.

Ota-onaga hurmat

Onalarimiz bizlardan mehru-muhabbatini ayamay, oromidan kechib, kechalari uxlamay, bizlarni voyaga yetkazadilar. Xafa boʻlib qolsak yoki koʻnglimiz ranjisa, atrofimizda parvona boʻlgan, tobimiz qochib qolsa, huzur-halovatini yoʻqotgan onalardir.

Bogʻbonsiz biror daraxtning mevasi ham yaxshi boʻlmaydi. Ota esa biz uchun bogʻbondir. U bizni doim yaxshi parvarish qilish harakatida boʻladi. Buni faxmlagan har qanday bola oʻz otasini hurmat qilishi va eʼzozlashi shart.

Aqlli farzand bir daqiqa boʻlsa ham, ota-ona mehrini esdan chiqarmaydi, kichkina ishga qoʻl ursa ham, ota-onasidan ruxsat soʻraydi, ularning roziligini oladi, aytgan soʻzlariga quloq solib, maslahatlariga amal qiladi.

Ota-onaga qattiq gapirmaydilar, yumshoq soʻzlar bilan koʻngillarini oladilar. Farzandlikning eng birinchi burchi – ota-onaga hurmatdir.

5. Ҳикматни ёд олдинг.

Birovning ota-onasini soʻkkan odam oʻz ota-onasini haqoratlagan boʻladi.

• Катталар ўқисин!

*Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Алишер Навоий

5-mashg'ulot

Kitob – ilm bulog'i

1. Фарзандингиз билан китобни севиш, ардоқлаш ва унинг аҳамияти ҳақида суҳбат ўтказинг.
2. Ушбу мақолларни ёд олдинг.

* * *

*Kitob bilim beradi,
Bilim baxt keltiradi.*

* * *

Kitob – aql chirog'i.

• **Катталар ўқисин!**

МУЛОҲАЗА ЎРНИДА

*«Халқни маърифатли қилиш – уни ахлоқий юксалтириш деган сўз
уни саводхон қилиш – маънавий камолотга етказиш демакдир.
Кунда ўқиладиган яхши китоблар таъсирида
ҳар қандай дағаллик ҳам ўтда куйгандек куйиб боради».*

В.Гюго

Бугун болалар ва ёшлар тарбиясида учраётган камчиликлар: гиёҳвандлик, ўғирлик, безорилик, диний экстремизм ва бошқа жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар нафақат жамоатчилик вакиллари, балки ўзини зиёли деб билган ҳар бир фуқарони ташвишга солади. Соҳа вакиллари ушбу салбий ҳолатларга турлича изоҳ берадилар.

Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир», деган.

Бу гапнинг нечоғлик ҳақлигини бугун кўз ўнгимизда айнан ёшлар тарбиясида учраётган камчиликлардан кўриш мумкин. Тарбия – бу илм олишдан, ўрганишдан, ўқишдан бошланади. Демак, бугунги ёшлар тарбияси ота-оналар ва устозлар ҳаракатларига чамбарчас боғлиқ. Ўргатмоқ учун эса ўргатувчининг ўзи билимли бўлиши шарт. Дунёда бирор нарсага билимсиз, тафаккурсиз эришилмаган.

Мен бугунги ёшлар тарбиясидаги камчиликларда асосий сабаблардан бири билимга, илмга, ўқишга, китобга бўлган қизиқишнинг қониқарли эмаслиги ҳақида фикр юритмоқчиман. Афсуски, бугун китоб дўконларидаги ёшлар сони дискотекалардаги, кафелар, тунги клублардаги, кийим-кечак дўконларидаги ёшлар сонидан бир неча баробар кам... Агар қаердадир мазали таомлар тайёрланадиган янги ресторан очилса, сўраб-суриштириб, қаерда бўлса ҳам, топиб борамиз, мазасидан татиб кўришга ошиқамиз... Аммо шундоққина ёнимиздаги китоб дўқонида қандай китоблар борлигига қизиқмаймиз, яқинларимиз билан таом мазасини муҳокама қилгандек, китоб мазмунини гапирмаймиз...

Сабаби битта вазуда оддий – китобга қизиқиш қониқарли эмас. Ваҳоланки, кафеларда қилинадиган баъзи тадбирларга кетадиган харажатнинг пулига битта китоб жавонини тўлдириш мумкин. Китоб – билим, зиё, тафаккур манбаи. Илм қалбларни, руҳни озиклантиради. Инсон қанча кўп илм ўрганса, унинг руҳи шунчалар пок, ақли ва фикри теран бўлади, камолотга эришади. Одамларга, жамиятга наф келтирадиган, яхшилик тарқатувчи бўлади. Аммо бугун не ажабки, қалбларимизни унутиб, кўпроқ нафсимизни тўйдириш, қондириш билан бандмиз. Ёнимизда охирги тийин қолгунча жисмимизни безаяпмиз, эрта-ю кеч елиб-югуриб топган пулларимизни беармон совуряпмиз. Аммо қалбимизга нима беряпмиз, қалбимизни нима билан тўйдирияпмиз?!

Бугун бизга усти ялтироқ, ичи қалтироқ, қамиш сингари ичи бўшлиқ олифталар эмас, етук ва комил ШАХСлар керак. Жамият олдида, оила олдида ўз бурч ва вазифаларини ҳис қилган тарбияли, баркамол авлод керак. Фарзанд қалби илмга, маърифатга шерик бўлмас экан, у ҳеч қачон ИНСОН бўлиб шаклланмайди. Ўз манфаатларини барча нарсадан устун қўядиган, одамийликдан узоқда бўлган, оч ва фосиқ кимса бўлиб етишади. Бундайлар на ҳаётда, на жамиятда ўрнини топади, аксинча, жамиятдаги кушандалар қаторига қўшилади.

Ота-оналар оилада қандай ҳаракат қилсалар, фарзандлари улардан андоза оладилар, яъни «қуш инида кўрганини қилади». Болаларимиз биз ўстираётган, парвариш қилаётган ниҳоллардир. Ниҳолни парвариш қилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйиб, кексайганда ундан ҳосил олишни умид қиладиган ота-оналар «чучварани хом санабдилар». Алломаларнинг бу фикрлари маъносини фарзанд тарбиясини бой бериб қўйган ва бугун ўз хатоларини йиғлаб айтаётганлардан сўранг. Инсон яшар экан, илмга муҳтож, фарзандлар тарбиясини, келажак авлод тарбиясини илмсиз, маърифатсиз, дуру жавоҳир фикрларни ўз ичига олган китобларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Келажак эгаларини тарбиялаш учун энг аввало ота-оналар, устозлар масъулдирлар. Фарзандлар тарбияси, болалар тарбияси – миллат тарбиясидир! Бефарқ ва лоқайд инсонлар ҳеч қачон етук шахс тарбиялай олмайдилар. Маънавиятга, маърифатга эътиборсиз бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Бу жиноят – келажакка бўлган, миллатга бўлган жиноят! Шундай экан, илм ўрганишда, ўргатишда, унга амал қилишда намуна бўлайлик!

• **Катталар ўқисин!**

Агар одамлар болаларинг ҳақида ёмон гапиришса, бу уларнинг сени ёмонлаётганларидир!

В.А.Сухомлинский

Инсон тарбияси у туғилиши ҳамон бошланади. Чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қулоқ солмайди, аммо у ўргана бошлайди!

Ж.Руссо

6-mashg'ulot

Oila – mehr bulog'i

1. Дарсликнинг 10-бетидаги матнни фарзандингизга ўқиб беринг ва олган тушунчаларини ўртоқлашинг.

2. Қуйидаги матн асосида фарзандингиз билан қўшимча суҳбат ўтказинг.

Oilada ota-onangiz, buvi-buvangiz, yaqinlaringiz mehr-e'tibori taftida ulg'ayasiz, kamol topasiz. Onangiz va yaqinlaringiz sizni mittigina chaqaloqligingizdan voyaga yetkazadilar, oq yuvib, oq taraydilar, bilmaganlaringizni o'rgatadilar. Ularning barchasi yaxshi inson bo'lishingizni istaydilar. Bu yo'lda sizga yordam berishdan charchashmaydi. Shuning uchun ham oilani mehr bulog'i deb atashadi.

Oila – Vatanning bir bo'lagi. Oilani, Vatanni, yaqinlarni sevish lozim.

3. Қуйидаги мақолларни фарзандингизга ёд олдинг.

Oltin olma, duo ol.

*Birlashgan o'zar,
Birlashmagan to'zar.*

Ona yurtning omon bo'lsa, rangi ro'ying somon bo'lmas.

4. Оила аъзоларингиз, яқин қариндошларингиз ҳақида фарзандингиз билан суҳбатлашинг (бува-буви, амма-хола, амаки-тоға. . .).

• **Катталар ўқисин!**

Агар назорат қилувчиси бўлмаса, ундай фарзанд ярамас ва нобакор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер.

Юсуф Хос Ҳожиб

Одамзотнинг биринчи тарбиячилари оналардир.

О.Голдсмит

7-mashg'ulot

Axloq

1. Ushbu matnни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг.

Odob yoki axloq – odamlarni yaxshilikka chaqiruvchi, yomonlikdan qaytaruvchi bilimdir. Yaxshi xulqlarning yaxshiligini, yomon xulqlarning yomonligini bildiruvchidir. Axloq insonni tarbiyalashga, poklashga o'rgatadi. O'z aybini bilib, iqror bo'lib, axloqini tuzatishga harakat qilgan kishi chinakam bahodir, mard, pahlavon kishidir.

2. Фарзандингиз билан одобли бола қандай бўлиши ҳақида суҳбатлашинг.

3. Фарзандингиз яхши одамлардаги фазилатларни санаб берсин.

4. Мақолларни ўқитинг ва ёд олдинг.

Odobni odobsizdan o'rgan.

Kishi xulqi husnda emas, uning odobida.

Odob – insonning bezagi.

• Катталар ўқисин!

Боласини суйишни товуқ ҳам билади. Уларни тарбиялай олмоқ эса қобилият, кенг ҳаётий билимларни талаб этадиган давлат миқёсидаги буюк ишдир!

М. Горький

Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз.

Жан Поль

Фарзандини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғрини боқаетган бўлади.

Т. Фуллер

8-mashg'ulot

Vatan

1. Ушбу матнни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг ва суҳбат ўтказинг.

Vatan har bir kishining o'z qalbidan, vijdonidan boshlanadi. Har insonning qalbida Vatanning jajjigina qiyofasi yashaydi. Nafas olayotgan turli mavjudotlarda ham Vatan tuyg'usi bor. Jonzotlarda vatan tuygusi o'z inlarini himoya qilish bilan cheklanadi. Ota-onaga, vatanga bo'lgan muhabbat fazilati faqat odamzotga xos.

Rivoyatlarda keltirilishicha, podshoh oq marmardan ajib bir hovuz bunyod ettiribdi. "Fuqarolarimning har biri erta tongda bir kosadan sut olib kelib, shu hovuzga to'ksin!" deb farmon beribdi. Farmonni eshitgan bir kishi "Shuncha ming odam orasida bitta men sut o'rniga suv olib borib to'ksam, kim bilib o'tiribdi?!" deb o'ylabdi. Erta tongda suvni ko'tarib boribdi-yu, hayratga tushibdi. Ajabki, shahardagi boshqa odamlar ham shu niyatda suv ko'tarib borgan ekanlar...

Ibrat shuki, Vatan bilan o'zini bir butun his etgan, vijdoni pokiza odamda Vatan manfaati, taraqqiyoti uchun mehnat qilishdan boshqa narsa bo'lmasligi kerak. Donolar aytadi: "Vatanga naf tekkan kuning umrdir!"

• Катталар ўқисин!

Болани замонга мувофиқ ва муносиб қилиб тарбиялаш шарт. Ақлу заковати жойида, истиқболи порлоқ ёшларни алмисоқдан қолган, замонавий бўлмаган ишлар билан банд қилиш нобакорликдир. Болада фақат ота-онанинг эмас, бутун бир миллатнинг ҳаққи бор. Унга яхши таҳсил бермаслик эса миллат ҳаққига хиёнат демакдир!

Аҳмад Лутфи Қозончи

Агар сиз болаларнинг шўхликларига йўл бермасангиз, унда ҳеч қачон донишмандларни дунёга келтира олмайсиз.

Ж.Руссо

9-mashg'ulot

Salomlashish odobi

1. Дарсликнинг 14-бетидаги "Одобнинг боши – салом" шеърини фарзандингиз билан биргаликда ўқинг.
2. Куйидаги матнни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг.

Salomlashish odobi

Salomlashish – o'zaro hurmat va mehr-muhabbatni ifodalovchi chiroyli odobdir. Salomlashish munosabatlarni mustahkamlaydi. Kishilar o'rtaida ahillikni kuchaytiradi. Salom berish xulqni bezaydi. Katta-yu kichik salom berishdan uyalmasligi kerak. Chunki salom berish kamtarlikning, yaxshi fazilatning belgisi. Ayniqsa, keksalarga, o'zingizdan kattalarga salom berishga odatlaning. Salom bermay, o'zini katta tutish manmanlikni, boshqalarni mensimaslikni va boshqa qator yomon illatlarni keltirib chiqaradi.

3. Фарзандингиздан «Ассалому алайкум», «Ваалайкум ассалом» сўзларининг маъносини сўранг, билмаганини ўргатинг.
4. Дарсликнинг 15-бетидаги «Ким биринчи салом беради?» сарлавҳали матнни биргаликда ўқинг.
5. Куйидаги матнни биргаликда ўқинг.

Salom berish odobdan

Ertaklarda ko'p o'qiganmiz: dahshatli ajdaholar yoki alvastilar makoniga kelib qolgan qahramonlar yovuzni ko'rishi hamon salom beradilar. Shunda ajdaho nima deydi, esingizdami? Ha, "Saloming bo'lmaganida ikki yamlab, bir yutardim!" deydi. Bu nimani anglatadi? Salom har qanday yovuzning ko'nglini yumshatish qudratiga ega.

Bizning odobimizga ko'ra, kichiklar kattalarga salom beradilar. Lekin kichiklar ba'zan bolaliklariga borib yoki biron narsaga chalg'ib salom berishni unutishlari mumkin. Shunda kattalar ularni urushmay, darrov salom bersalar, shuning o'zi eng go'zal tarbiyadir.

10-mashg'ulot

Orastalik – go‘zallik ramzi

1. Matnни фарзандингиз билан бирга ўқинг.

Orastalik – avvalo tozalik demakdir. Tozalik sababli turli kasalliklarga chalinmaymiz. Ko‘cha-ko‘y, uy-joyning tozaligi, unda yashovchi har bir insonning ust-boshi – kiyimi va tanasini hamisha pokiza saqlashi nafaqat o‘zining, atrofidagilarning salomatligi uchun muhimdir. Inson ozoda yursa, kayfiyati chog‘ bo‘ladi. Agar inson tanasini ozoda tutmasa, jismiga xavfli mikroblar yopishadi. Qo‘llarni doim sovun bilan yuvish, tishlarni tozalash poklikning eng birinchi shartidir.

Darsxonangizni, uylarni yigishtirish-tozalashda onangizga yordam berishingiz – tozalikka oid vazifangizdir. “Poklik bor joyda baraka bor! Poklik iymondandir!” deydi ota-bobolarimiz. Shuning uchun doimo tozalikka, poklikka intilaylik.

2. Фарзандингизга мақолларни ёд олдилинг.

Pokliging – sog‘liging.

Tozalik – sog‘lik garovi.

Toza ko‘zaning suvi toza.

Toza uyda dard bo‘lmas.

Ozodalik umrni uzaytiradi.

3. Фарзандингиз озодалик учун нималар қилиши кераклигини сўзлаб берсин.

• Катталар ўқисин!

Боланинг биринчи қадамидан назорат қилиш керак. Бола оёқни қийшиқ босишга ўргангандан кейин уни тўғрилаш қийин бўлади.

Эркин Воҳидов

11-mashg'ulot

Badantarbiya

1. Ушбу матнни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг. Мавзу юзасидан суҳбатлашинг.

Insonga eng keraklisi – bu salomatlikdir. Yashash, tiriklik, o'qish, o'rganish, ishlash, kamolga yetish, baxtli bo'lish – bularning hammasi salomatlik bilan chambarchas bog'liq. Salomatlikning asosiy shartlaridan biri – bu badantarbiyadir. Erta tongda uyqudan turib, yuz-qo'llarni, tishlarni yuvib, toza havoda yugurish barcha uchun birdek foydalidir. Badantarbiya qilganda tanada qon aylanishi yaxshilanadi, odam o'zini ruhan tetik his qiladi, xotira mustahkamlanadi. Odamda lanjlik bo'lmaydi, ayniqsa, bolalar maktabga borganlarida dars paytida bo'shashib, uyqusirab o'tirmaydilar, aksincha, faol bo'ladilar.

Turli xil sport o'yinlarini o'ynash ham badantarbiya hisoblanadi. Masalan, futbol, voleybol, yugurish musobaqalari va hokazo. Shuning uchun, qadrli bolajonlar, badantarbiya bilan muntazam shug'ullaning. Aslo dangasa va erinchoq bo'lmang! Doimiy badantarbiya bilan shug'ullanuvchilar nafaqat jisman sog'lom, balki aqlan, ruhan ham sog'lom bo'ladilar, o'zlarini kuchli va irodali his qiladilar.

2. Фарзандингиз ўзига ёққан спорт турлари ва ўйинлари ҳақида гапириб берсин.

• **Катталар ўқисин!**

Маълумки, болаларнинг соғлом ўсишларида ҳаракатнинг аҳамияти муҳимдир. Болаларни ҳаракатли ўйинларга жалб этиш жуда фойдалидир. Бир жойда узоқ, ҳаракатсиз ўтириш болалар учун зарарлидир. Кам ҳаракатли болалар нимжон ва заиф бўлиб ўсадилар. Ота-оналар фарзандларини доимий ҳаракатли ўйинларга тарғиб қилишлари лозим. Аммо ўйинлар одоб ва ахлоққа зид бўлмаслиги керак. Болаларнинг ўйнашларига рухсат бермаслик унинг жисман ва руҳан ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади. Ўйинлар – истеъдоднинг шаклланиш босқичи. Бола турли ўйинлар ёрдамида оламни ва одамлар билан муносабатни ўрганади. Руҳшуносларнинг фикрича, агар бола ўйинни севмаса, ўйнай олмаса, бу болада қандайдир нуқсондан дарак бўлиши мумкин. Масалан, бундай ҳолат болаларда ланжлик, сустлик ва журъатсизликни келтириб чиқаради. Болаларга ҳақиқий ўйинчоқлар, машина, ёғочлар, тошчалар орқали ҳаракатланиш, санаш, фикрлаш ўйинларини ўргатиш мумкин. Айниқса, челақлар, қум, тўплар, конструкциялар, спорт ўйинчоқлари билан ўйнаш болалар учун жуда мароқли. Шуни унутмангки, болалар учун катталар билан ўйнаш уларнинг жону-дили!

Абдурауф Фитрат,
«Сайланма» китоби асосида тайёрланди.

12-mashg'ulot

O'quvchining odobi

1. Фарзандингиз билан бирга ўқинг. Матннинг мазмунини фарзандингиз гапириб берсин.

Мактабга қабул қилинган ҳар бир бола о'zining о'quvchi ekanini, buning mas'uliyatini his qilishi kerak. O'quvchi darslarga kechikmay kelishi, uy vazifalarini o'z vaqtida to'liq bajarishi, dars paytida boshqa narsalar bilan shug'ullanmasligi kerak. Ayniqsa, o'g'il bolalar o'zlarini tutishda o'rnak bo'lishlari, ustozlarni va qizlarni hurmat qilishlari lozim. Maktabda, sinf xonalarida yomon so'zlarni aytmaslik kerak. Umuman, odobli bolalar o'zining chiroyli xulqi bilan boshqalarga o'rnak bo'lishlari shart!

2. Фарзандингиз билан биргаликда шеърни ўқинг.

Odob bilan qo'yilgan
Parta ustiga qo'llar.
Farishtadek ustozim
Bizni ilmga chorlar.

Odob-axloq sabog'in
Joylaydi dilimizga.
Ilk bor qalam tutgan u
Bizlarning qo'limizga.

Ko'zlarda umid chaqnar,
Sirin ochadi olam.
Kitob o'qib, o'rganib,
Bo'lamiz yaxshi odam!

**Abbosxon Orziyev,
Qashqadaryo viloyati, Kitob tumani,
86-maktab o'quvchisi**

• Катталар ўқисин!

Ота-онаси эрка қилиб ўстирган бола кўпинча худбин бўлиб етишади.

Абдулла Қаҳҳор

13-mashg'ulot

Maktab qoidalari

1. Matnni farzandingiz bilan birgalikda ўqing va suxbat ўtkazing.

Maktab qoidalari bilan tanishing: eng avvalo maktabga o'quvchi kiyimida kelish; sinflardagi jihozlarni, maktab mulkini ehtiyot qilish; ustozlarni hurmat qilish; maktabda to'polon qilmaslik; hamisha intizomli bo'lish; sinf xonalarini ozoda tutish; jamoat ishlarida qatnashish.

Ba'zi axloqsiz bolalar maktabda o'zlari o'tirgan partalarni sindiradilar, qirib, ifloslantirib, yomon so'zlarni yozadilar. Qadrli bolalar! Sizdan keyingi ukalaringiz, singillaringiz ham bu jihozlardan foydalanadilar. Odobsiz bolalarga aslo o'xshamang! O'z joyingizni o'zingiz asrang, chiroyli xulqingiz bilan barchaga namuna bo'ling!

2. Farzandingiz odobli va odobsiz bolaning sifatlarini ёзишни давом эттирсин.

Yaxshi, dono,

Urushqoq, qizganchiq,

3. Аълочи, тартибли, озода – бу сифатлар қандай ўқувчига тегишли?
Farzandingiz tўғри жавобни топсин.

- A) odobsiz
- B) chiroyli
- C) dangasa
- D) odobli
- E) ishyoqmas

• Катталар ўқисин!

Болаларимиз – бизнинг кексалигимиз! Яхши тарбия бахтли кексалигимиз, ёмон тарбия келгуси кўз ёшларимиздир!

Юсуф Хос Ҳожиб

2013/125 A 04.29	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
------------------------	--

14-mashg'ulot

Kiyinish odobi

1. Quyidaги матни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг. Тушунганларини гапиртиринг.

Kiyinish odobining asosiy sharti tozalikka e'tibor berishdir. Ayniqsa, maktabga toza, dazmollangan kiyimlarni kiyib borishni odat qiling. Kir qo'llaringizni kiyimlaringizga artmang. Har bir o'quvchining cho'ntagida, albatta, dastro'mol bo'lishi lozim. Kiyimlarning cho'ntaklarini ortiqcha narsalar bilan to'ldirish yaramaydi. Ayniqsa, dog' qoldiradigan narsalarni cho'ntagingizga solmang, kiyimlaringizga tekkizmang. Maktabga faqat o'quvchi kiyimida boring. Uyga kelgach, maktab kiyimini uy kiyimiga almashtirib, ularni tartib bilan ilib qo'ying. Kiyimlaringizni va buyumlaringizni ko'z-ko'z qilishdan saqlaning, maqtanchoq bo'lmang. Shuningdek, oyoq kiyimlaringizni ham toza tuting, uyga kelgach, har kuni oyoq kiyimlarini tozalab qo'yish esingizdan chiqmasin. Ozoda yurishingiz ham sizning chiroyli xulq egasi ekaningizni ko'rsatadi.

3. Фарзандингиз турли касб эгаларини (шифокор, милиционер, фаррош...) кийимларидан танийдими? Ушбу мавзуда суҳбат ўтказинг.

• **Катталар ўқисин!**

* * *

Инсоннинг кийиниши унинг қалби қандай эканидан далолат беради. Ташқи кўриниш – қалбнинг ифодасидир!

Жалолиддин Румий

* * *

Яхши хулқ юз кўркига қараганда минг чандон афзалроқдир! Гўзаллик чеҳрада эмас, ахлоқда мужассам бўлиши керак. Қалб гўзаллиги ҳатто хунук танага ҳам чирой бағишлайди. Эзгу ном гўзал чеҳрадан афзал. Ташқи кўриниши гўзал одамлар кўп, аммо ички оламлари хароба. Мен ўзини кўз-кўз қилишга муҳтож бўлмаган, ўзида қалб фазилатларини намоён этадиган гўзалликни афзал кўраман.

Робиндранат Тагор

15-mashg'ulot

Odob nima

1. Дарсликнинг 22-бетидаги “Одоб нима?” шеърини фарзандингиз билан биргаликда ўқинг. Шеърнинг маъносини фарзандингизга тушунтириб беринг.
2. Матнни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг. Саволларга жавоб берсин.

Rasul va Sanjar yugurib ketayotgan edilar. Shu payt kichkintoy Ilyos ularning yonginasida, o'ynayotgan yerida yiqilib tushdi. Rasul indamay uning yonidan o'tib ketdi. Sanjar esa yugurib borib, Ilyosning turishiga yordam berdi. Ayting-chi, bolajonlar, bu yerda odobli bola kim? Rasulmi yoki Sanjar?

• Катталар ўқисин!

Каттага ҳурмат

Бугун кўчаларда, автобусларда, метро ва умуман бошқа транспорт воситаларидаги бир ҳолат кишини ташвишга солади. Кўлингиздаги оғир сумкангизга эътибор бермай, ёшингиз катталигига қарамай, қаршингиздаги ўриндиқда сақични чайнаб, қулоғига эшитиш мосламасини ўрнатиб, “гўзал” мусиқа оғушида сизни “кўрмаётган” одобсиз ёшлар нега кўпайиб бормоқда? Мода деб йиртиқ, тиззаси очилган шортикни кийиб, киндигини кўрсатиб юрадиган, бошқа миллатларга жон-дили билан тақлид қиладиган, шарм-ҳаё, ўзбекона ахлоқ-одобдан узоқлашиб бораётган ўсмирлар қаердан пайдо бўлмоқда?

Бугун Ғарбдан кириб келаётган “фақат ўзингни ўйла” ёки “енгил ҳаёт сари” қабалидаги тарғибот воситаларининг бунда катта таъсири бор, десам, балки фикримга қўшиларсиз... Бу ахлоқдан асар ҳам бўлмаган, айнан шундай бузуқ тарбияни юзага келтириш мақсадида четдан кириб келаётган китоблар, кинофильмлар, мультфильмлар ва шу каби воситаларнинг таъсири деб ўйлайман. Бугун оғир юк кўтариб кетаётган кишига ёрдам бераётган ёшларни кўрсак, қувонч ва ажабланиш ҳисларини туядиган бўлиб қолдик. Аввалари бундай гўзал ҳолатга ҳар куни, ҳар қадамда дуч келардик...

Аслида, бизнинг ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган тарбия борасидаги ажойиб усуллардан бугун бутун дунё андоза олишга уринаётган бир пайтда нега энди бизнинг фарзандларимиз бузуқ тарбиянинг қурбони бўлиши керак?! Нега бугун маҳалламизда боламизнинг нотўғри ҳаракатига танбеҳ бераётган катталарни назарга илгимиз келмайди?! Нега болаларимизнинг миясига “Фақат ўзинг ва фақат ўзингни ўйла!” қабалидаги эгоистик руҳнинг шаклланишига қаршилик кўрсатмаяпмиз?! Бу кетишда вақти келиб фарзандларимиз “Ота-оналаримиздан зерикдик, ўзимизча яшайлик, ўзимизни ўйлайлик!” деб биздан воз кечиб кетса, ажабланишга ҳаққимиз йўқ... Кексайиб боламизнинг роҳатини кўрайлик, деганда улар бизга ҳатто соясини ҳам раво кўрмаса, йиғламайлик, сабаби биз бугун “ёш ниҳолимиз”дан ўсиб чиқаётган қийшиқ шохчаларни кўргимиз келмаяпти. Кўчага чиқиб кетаётган фарзандимизга “Ҳамиша катталарни ҳурмат қил! Транспортда ўзингдан каттага жой бер, оғирига ёрдамлаш! Инсоний туйғулардан узоқлашма, болам, биз энг меҳрибон ва энг савобталаб, ҳалол бир миллатнинг фарзандимиз! Бошқаларга тақлид қилмай, ўзбекка ўхшаб юр! Миллатингга хос инсон бўл, одам бўл!” деб таъкидлаш ёдимиздан кўтариляпти...

16-mashg'ulot

Inoqlikka ne yetsin

1. Дарсликнинг 23-бетидаги матни фарзандингизга ўқитинг. Фарзандингиз Даврон ва Диёранинг муносабатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини айтиб берсин.

2. Мақолларни ўқитинг ва ёд олдириг.

* * *

Ahil bo'lsang – o'zasan, gar ayrilsang – to'zasan.

* * *

Bo'linganni bo'ri yer, ayrilganni ayiq yer.

3. Фарзандингиз билан биргаликда қуйидаги эртакни ўқинг ва суҳбатлашинг.

Kim do'st?

Kunlardan bir kuni ikki o'rtoq ov qilishni o'rganish uchun o'rmonga borishibdi. Ular daraxtlarni tomosha qilib, ovga nima ilinishini xayol qilib ketishayotgan ekan, bir payt birining ko'ziga uzoqdan katta ayiq ko'rinibdi. U indamay, katta eman daraxtining boshiga chiqib olibdi. Ayiq bolalarni ko'rib, ular tomonga yugurib kela boshlabdi. Daraxtga chiqishga ulgurolmay qolgan bola qo'rquvdan o'takasi yorilib, boshlarini changallab quloqlarini berkitgancha yerga qarab yotib olibdi. Ayiq o'kirib-o'kirib uning oldiga yetib kelibdi. Pahmoq bolaning atrofida obdon aylanibdi, so'ng pishqirgancha bolaning boshlari, quloqlaridan hidlab bir zum tinchlanibdi. Keyin negadir indamay, ortiga ketibdi.

Bu hodisadan qo'rqib, angrayib qolgan bola daraxtdan astagina tushib debdi:

– Ayt-chi, ayiq quloqlaringga nimalar deb pichirladi?

Shunda qattiq xafa bo'lgan do'sti debdi:

– Ayiq: “Do'sting haqiqiy do'st emas ekan, do'stini kulfatda tashlab qochadigan, faqat o'zini o'ylaydiganlardan do'st chiqmaydi!” dedi.

Abdulla Avloniy

• Катталар ўқисин!

Насиҳатгўйлик билан яхшиликка эришиш мушкул, натижага ўрнат бўлиш орқали эришилади.

Сенека

17-mashg'ulot

Dasturxon atrofida o'tirish va ovqatlanish odobi

1. Фарзандингиз билан биргаликда дарсликнинг 25-бетидаги ҳикояни ўқинг. Тушунганларини сизга гапириб берсин.

2. Фарзандингиз қуйидаги жавобларнинг ҳар бирини изоҳлаб, тўғриси таниласин.

- a) Dasturxon atrofida ashula aytib sakrash kerak;
- b) Dasturxon atrofida sport bilan shug'ullanish kerak;
- c) Dasturxon atrofida ertak va topishmoq aytish kerak;
- d) Dasturxon atrofida tartib bilan o'tirib, bismillahni aytib, o'zining oldidagi taomga qo'l uzatish va odob bilan ovqatlanish kerak;
- e) Dasturxon atrofida dars tayyorlash kerak.

3. Ушбу шеърни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг ва мазмунини муҳокама қилинг.

Non aziz

*Non azizdir, non aziz,
E'zozlaymiz hammamiz.
Nonning ushog'i ham non,
Bobomlar derlar har on:
– Qimmatli ne'mat bu non,
Asrab-avayla har on.
Ko'rsang to'kilgan ushoq,
Terib olgin sen shu choq.*

**Risolat Ibragimova,
Toshkent shahri 296-maktab o'quvchisi**

4. Фарзандингиз топишмоқнинг жавобини топсин.

*Oltindayin tovlanar
Non-patirlar sultoni.
Pishib yetilsa agar,
To'lib ketar xirmoni.*

(буғдой)

18-mashg'ulot

Insonni ulug'laydigan fazilatlar

1. Darслиkning 26-бетидаги "Жасур йигит" номли ҳикояни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг. Ҳикоянинг мазмунини муҳокама қилинг.

2. Ўғил болаларга хос бўлган сифатларни фарзандингиздан сўранг. Сўзлардаги тушириб қолдирилган ҳарфларни ўз ўрнига ёзсин.

Jas . r, ma . d, aql . i

Bot . r, qo'r . mas, k . chli

3. Қиз болаларга хос бўлган сифатларни фарзандингиздан сўранг. Сўзлардаги тушириб қолдирилган ҳарфларни ўз ўрнига ёзсин.

Li . rak, cha . qon, aql . i

D . no, o . ila, k . yoli

4. Эртакни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг ва муҳокама қилинг.

It va do'st

Kunlardan bir kuni it yolg'izlikdan juda zerikibdi va debdi:

– Menga shunday do'st kerakki, jasurlikda tengsiz bo'lsin va men u bilan hech qachon zerikmay.

U o'ziga ana shunday jasur do'stni qidirib yo'lga tushibdi. O'rmonda ketayotsa, yo'lidan quyon chiqib qolibdi.

– Hoy quyon! – debdi shoshib qolgan it. – Kel, do'st bo'lamiz, men jasur do'st qidirayman.

– Roziman, – debdi quyon.

Ular do'stlashibdilar, birgalashib o'rmonni uzoq kezibdilar. Bir mahal qarashsa, qorong'u tushib qolibdi. Tunni shu yerda o'tkazishga qaror qilishibdi va bir burchakni topib, uyquga ketibdilar. Kechasi esayotgan shabbodadan daraxtlarning barglari shitirlay boshlabdi. Quyon quloqlarini ding qilibdi. Qo'rquvdan dag'-dag' titray boshlabdi, u yoq-bu yoqqa alanglabdi, sabri tu-

gab do'sti – itga ham qaramay, tum-taraqay qochib qolibdi. Buni kuzatib yotgan it debdi:

– Eh, quyondan hechqachon do'st chiqmaydi! Menga qo'rqoqlar kerak emas.

Tong otgach, it yo'lida davom etibdi. Yo'lda tulkini uchratib debdi:

– Salom, tulki! Menga do'st bo'lmaysanmi?

– Do'st bo'laman! – debdi tulki ayyorona jilmayib.

Tulki va it do'st tutinishibdi. Birga o'rmonda yuribdilar, tamaddi qilibdilar, kech tushgach esa, uyquga ketishibdi. Xuddi kechagidek daraxt barglari shitiray boshlabdi. Tulki avval hur-payib, cho'chiganini bildirmaslikka harakat qilibdi. Bir oz atrofga javdirab yotibdi, so'ng itning panasiga o'tibdi-da, uyquga ketibdi. Buni kuzatib yotgan itning hafsalasi pir bo'libdi, haqiqiy orzusidagi do'stni qayerlardan qidirish haqida o'ylabdi. U shunday jasur, qo'rqmas, botir, pahlavon va aqlli do'sti bo'lishini istardiki, ammo uning kimligini o'zi ham bilmasdi.

Kunlardan bir kun it o'rmonda ov qilib yurgan odamga duch kelibdi. U odamni kuzatarkan, uning harakatlarida mutlaqo qo'rquvni ko'rmabdi. Odam juda xotirjam yurar ekan. It odamning atrofida uzoq aylanib yurib, tunni odamning oldida o'tkazishga qaror qilibdi. Odamni na daraxt barglarining shitirlashi, na suvning shovillashi, na hayvonlarning ovozi cho'chita olmas edi. U hech nimadan qo'rqmas, uning ov miltig'ini ko'rgan jonzotlar qochib qolishardi. Shunda it dildan quvonib ketib: “Vo-oy, haqiqiy orzumdagi do'stni topdim! Odam juda jasur ekan!” debdi o'ziga o'zi.

Shunday qilib, it va odam do'st tutinishibdi. Jasurlik sabab it odamzodga bir umr vafoli, sadoqatli do'st bo'lib qolibdi. Shundan buyon it doim odam bilan birga ekan.

• **Катталар ўқисин!**

Дўстликнинг ҳақиқий замини тенгликдир. Дўстлик ҳеч қачон ўртага мансабни аралаштирмайди. Ҳамма вақт тенгликни талаб қилади. Дўстликда қарздорлар ҳам, ҳомийлар ҳам бўлмайди. Муносабатларда самимият, ўзаро ҳалоллик ва ишонч – бу дўстлик демакдир.

Аҳмад Югнакий

19-mashg'ulot

Rahm-shafqat

1. Фарзандингиз билан меҳр-шафқатли бўлиш хусусида суҳбат ўтказинг.
2. Қуйидаги эртакни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг ва суҳбат ўтказинг.

Hikmatli tush

Issiq yoz kunlarining birida bir guruh bolalar ko'lining yonida o'ynab-o'ynab zerikishibdi. Shunda ulardan birining taklifi bilan oftobda toblanib yotgan qurbaqachalarga tosh ota boshlabdilar. Bechora qurbaqalar nima bo'layotganini tushuna olmay, jonlarini asrash uchun suvga sakrabdilar. Bolalar qilayotgan ishlaridan zavq olib, xandon otib kulibdilar. Birgina Oybek ismli bolaning qurbaqachalarga rahmi kelibdi. Oybek o'rtoqlariga qarab:

– Tosh otmanglar, biz ularni qiynayapmiz-ku, ularning joni og'riyapti, axir, o'lib qoladilar! – debdi.

Ammo bolalar Oybekning gaplariga quloq solishmabdi. Qattiq toshlarning zarbidan kichkina qurbaqachalarning bir nechtasi halok bo'libdi. Bolalar esa qilgan ishlaridan xursand, baqir-chaqir qilib uylariga qaytishibdi. Charchoq ustun kelib, tezda uyquga ketishibdi. Shu kuni qurbaqalarga tosh otib o'ldirgan bolalarning barchasi tunda bir xil tush ko'rishibdi. Tushlarida ularni kimlardir rosa toshbo'ron qilishibdi. Toshlar juda qattiq tegib, boshlarini qonatibdi. Yana yetmagandek, atrofdagilar ularning ustidan masxaralab kulishayotgan emish. Bolalar cho'chib uyg'onibdilar. Ertalab barchalari kecha qanchalar yomon ish qilganliklarini tushunib, afsus chekibdilar. Bechora qurbaqalarni azoblab, o'ldirib ahmoqlik qilganlaridan uyalib, gunohlaridan pushaymon bo'libdilar. Boshqa hech qachon bunday zararli va noma'qul o'yinlar o'ynamaslikka, jonivorlarga aslo ozor bermaslikka so'z beribdilar.

“Shirindan shakar ertaklar” kitobidan olindi.

20-mashg'ulot

G'ayrat va shijoat

1. Куйидаги матни фарзандингиз билан бирга ўқинг ва суҳбат ўтказинг.

Yaxshi xulqlarning yetakchisi

G'ayrat – o'z zimmasidagi vazifani tez, xohish va mukammallik bilan bajarishdir. Yalqovlik qilib bekor yurish yaxshi emas. Dangasalik insonni xorlikka, kambag'allikka olib keladi. Ish bilan mashg'ul odam vaqtdan unumli foydalanadi, vaqtning qanday o'tganini bilmay qoladi, dangasa esa hamma vaqt zerikib yuradi.

Shunga har birimiz harakatda bo'lib, o'zimiz uchun keraklicha mehnat qilishimiz zarur. Sog'ligimiz, yutuqlarimizning hammasi qilgan harakatimizga bog'liqdir. Harakatchan kishilar maqsadlariga tez yetadilar, yalqovlar esa har narsadan mahrum bo'lib, doim boshqalarning yordamiga muhtoj bo'ladilar.

Shijoat – bu qo'rqmaslik va botirlikdir.

Harakat va g'ayratning teskarisi dangasalik va yalqovlik bo'lgani kabi shijoatning teskarisi qo'rqoqlikdir. Qo'rqoq kishi bir ishni qilishga yuragi betlamaydi. Shijoat insondagi yaxshi xulqlarning yetakchisidir!

Mushtariy Xolmatova

2. Бу хусусда фарзандингиз ўзи ҳақида қандай фикрда эканини сўранг. Унга ҳақиқий баҳони беринг.

3. Фарзандингиз бирор ишда ғайрат ва шижоат кўрсатишини сўранг ва буни назорат қилинг.

• Катталар ўқисин!

Фарзандлар ғайрат ва шижоатни ўз ота-оналаридан оладилар. Афсуски, дангасалик ва шижоатсизлик ҳам ота-оналардан меросдир...

Тўлқин Нурмуҳаммад

21-mashg'ulot

Hayo va ibo

1. Ҳикматларни ёд олдинг.

Hayo iymondandir.

Hayosizlik xorlikdir.

2. Матнни фарзандингиз билан бирга ўқинг.

Hayo dilni ravshan qiladigan bir nurki, inson doim bu nurga muhtojdir. Hayosiz yuz jonsiz narsaga o'xshaydi. Hayo – bu yomon ish qilganda uyalishdir. Yomonlikdan uyalish yomon xulqlardan chekinishdir. Hayoning eng asosiy sharti yomonlikdan saqlanishdir. Gap qaytarmaslik, baqirib gapirmaslik, ota-onaga tik boqmaslik, yomon so'zlarni aytmaslik, bekor yurib, noma'qul ishlar bilan shug'ullanmaslik – bularning barisi hayodir.

1. Ушбу матнни ҳам фарзандингиз билан биргаликда ўқинг.

Nabira bobosidan so'radi:

– Do'st tanlashda avvalo nimalarga e'tibor berish kerak?

Bobosi dedi:

– Do'st tutingan kishida hayo bo'lsin.

– Unda hayo bor yoki yo'qligini qayerdan bilsa bo'ladi?

– Hayo kishining so'zida, yuz-ko'zida, xulqida, kiyinishida va harakatidadir. Kishida hayo ko'rmasang, undan uzoqlash!

Nabira bobosidan yana so'radi:

– Harakatdagi hayo nima degani, bobojon?

Bobodedi:

– Harakat – bu amaldir, masalan, ovqatlanish. Kishi ovqatlanganda faqat o'zining oldidagi taomga qo'l uzatishi, boshqalarning luqmasiga ko'z tikmasligi, ovqatni tovush chiqarib chaynamasligi ovqatlanishdagi hayodir! Bundan tashqari, insonning har bir amali: yurishi, qarashi, o'tirishi, muloqotida hayo bo'lishi lozim.

To'liqin Nurmuhammad

4. Матннинг давомини суҳбат асосида давом эттиринг.

22-mashg'ulot

Ahillik

1. Фарзандингиз ушбу ривоятни мустақил ўқисин ва тушунганларини сўзлаб берсин.

Kosib va hunarmand bir kishining bir necha o'g'illari bo'lib, ular har kuni nizo chiqarib janjallashar edilar. Bir kuni kekxa kosib o'g'illarini chaqiribdi. Ularning qo'liga bir dasta cho'p berib, "Sindirib ko'ringlar-chi!" debdi. O'g'illar cho'plardan birini olib, navbatma-navbat sindira boshlabdilar. Shunda ota cho'plarning qolganini birlashtirib, bir bog' qilib bog'labdi. O'g'illariga tutqazib: "Endi sindirib ko'ringlar-chi!" debdi. O'g'illar ko'p urinibdilar, ammo bir dasta qilib bog'langan cho'plarni sindira olmabdilar. Shunda ota o'g'illariga qarab: "Hozir nimaniki ko'rgan bo'lsangiz, u sizlarning ahvolingiz, bir-birlaringiz bilan urishib, yakkalanib qolsangizlar, holingizga voy! Agar ittifoq bo'lsangiz, sizlarni hech kim buka olmaydi. Mabodo murosa qilmay, bir-biringizdan ajralib yashasangiz, qiyinchiliklar oldida yengilib qolasizlar, maqsadga yetolmaysizlar", dedi.

Hunarmand kishining o'g'illari shundan keyin ahillikni va ittifoq bo'lib yashashni tanladilar. Shu tariqa umr kechirib, rohat-farog'atga erishdilar.

2. Фарзандингизга аҳиллик ҳақидаги ўз тушунчаларингизни гапириб беринг. Ундан тушунганларини сўранг.

3. Шеърни ўқитинг.

*Ahillik – bu tinchlikdir,
Inoqligu birlikdir.
Ahillik – eng to'g'ri yo'l,
Murodingga ko'prikdir.*

Yolg'on

1. Matnни фарзандингизга ўқиб беринг, тушунганларини сўранг.

Yolg'onchilik – yomon illat. Yolg'onchilikka o'rgangan odam hamma yerda va hamisha yolg'on so'zlaydi. Bunday odamga bora-bora hech kim ishonmay, hurmat qilmay qo'yadi. Ertaklardagi tulki ayyor, yolg'onchiligi uchun butun o'rmon ahli uni yoqtirmaydi. Odamlar orasida ham yolg'onchilarni hamma yomon ko'radi. Yolg'onchilikdan uyalish kerak. Kishi yoshlikdan yolg'onni odat qilsa, uni bir umr tark etolmaydi. Birovni aldash katta gunoh sanaladi. Yolg'on odamlar orasiga nifoq soladi. Shuning uchun yolg'ondan saqlaning, yolg'onchi o'rtoqlaringizni rostgo'ylikka chaqiring.

• **Катталар ўқисин!**

Ёлғон

Тўғрилиқка ўргатиш қасди билан болаларга буйруқ бериш, уришиш, сўкиш фойдали эмас, балки зарарлидир. Бола нима учун ёлғон гапиради? Бирон жазодан қутулиб қолиш учун... Эндигина тўрт ёшга кирган бола косани синдириб қўйди ёки мураббони тўкиб юборди. У онаси ёки отасининг бақиришидан, баъзан ҳатто уриб ташлашидан қўрқади. Таҳдид оҳанги билан «Ким қилди?» деб сўралса, «Бу ишни мен қилмадим...» деган ёлғон унинг учун нажот бўлиб кўринади. Оддий ёлғон тухматни чақиради, айбсиз одамнинг номи айтилади. Бу одат оиладан боғчага, ундан мактабга кўчади. Уйга берилган вазифани бажармаганини яшириш учун айтиладиган «Дафтарим уйда қолибди!» деган баҳона неча ўн йилларки, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда...

Болага тарбия беришнинг йўли аввало ота-она ҳамиша рост сўзлашлари, ростгўйликда болаларга ўрнатилган бўлишлари, фарзандларининг меҳри ва ишончига эришишлари орқали бўлади. Ота-оналар ўзлари қилмайдиган ишлар ҳақида болаларига «ундай қиламиз, бундай қиламиз» дейишлари ёки юпатиш учун ёлғон ваъдалар беришлари бола тарбияси учун жуда зарарлидир!

Ёлғон гапириш билан вақтини ўтказувчи одам кишиларни алдаш билан фахрланади, ўз гапига гўллик билан қулоқ солувчини топса, алдаб ҳузурланади. Аммо куни келиб, ҳар қандай ёлғончи халқ олдида шарманда бўлади. Озгина ёлғон ҳам катта гуноҳдир, заҳар каби ҳалок қилгувчидир.

Киши овқатдан заҳарланса, дарҳол даво чоралари кўрилади. Руҳий оламнинг заҳарланишига эса эътиборсизлик кучли. Болани ёлғондан қайтармаслик унга аста-секин заҳар бериш билан баробар. Унинг қалбидаги иллатларни даволаш учун чоратadbир кўрилмаса, бу ҳолат ривожлана бориб, ахлоқи буткул бузилади ва бола жамиятда ҳеч қачон муносиб ўрин эгаллай олмайди.

Фарзандга ёлғонни одат қилдирмасдан тарбияламоқ инсоннинг энг муқаддас вазифасидир!

24-mashg'ulot

O'g'irlik

1. Эртакни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг, ўғирликнинг ёмон оқибатлари ҳақида тушунтиринг.

O'g'ri hakka

Jajjigina qizaloq o'tloqda o'ynay-o'ynay uxlab qolibdi. Uyg'onib qarasa, quloqlarida ziraklari yo'q emish. Boya quloqlaridan ularni yechib o'ynaganiga rosa afsus chekibdi. Qidirib-qidirib charchabdi. Ular juda chiroyli ekan, alam qilib rosa yig'labdi. Buni ko'rib chumchuqlar chug'urlashishibdi:

- Qizaloq, hoy qizaloq! Nega yig'layapsan?
- Ziraklarimni yo'qotib qo'ydim... Ular juda chiroyli edi...

Chumchuqlar ziraklarni o'tloqlardan topish uchun har tomonga pirillab uchib ketibdilar. Uchibdilar, uchibdilar, hech yerdan topa olmabdilar.

Qizaloq yig'idan to'xtamabdi. Qoshiga qaldirg'ochlar uchib kelib chirqillashibdi:

- Qizaloq, hoy qizaloq! Nega yig'layapsan?
- Ziraklarimni yo'qotib qo'ydim... Ular juda chiroyli edi...

Qaldirg'ochlar ziraklarni topish uchun qishloqdagi hovli-uylar tomonga uchib ketibdilar. Uchibdilar, uchibdilar, hech yerdan topa olmabdilar.

Qizaloq yig'idan to'xtamabdi. Qoshiga kabutarlar uchib kelib g'urillashibdi:

- Qizaloq, hoy qizaloq! Nega yig'layapsan?
- Ziraklarimni yo'qotib qo'ydim... Ular juda chiroyli edi...

Kabutarlar ziraklarni topish uchun ko'kka parvoz qilishibdi. Juda yuqoriga uchib, pastda nimaningdir yalt-yult qilayotganini ko'rishibdi. Ana shu yerga tushib qo'nishibdi. Bu hakkaning ini ekan.

- Hakka, bu ziraklar kimniki? – so'rashibdi kabutarlar.
- Ziraklar o'zirniki! – karillabdi hakka.
- Sen ularni qayerdan olgansan? – so'rashibdi kabutarlar.
- Onamdan qolgan! – yolg'on so'zlabdi hakka.
- Onang zirak taqqanmi?
- Taqqan!
- Sen ham taqib ko'rsat-chi!

Hakka ziraklarni taqqoqchi bo'lib rosa urinibdi, ammo taqa olmabdi. Axir, zirak taqqadigan quloqlari bo'lmasa, qanday taqsin!

- Bu ziraklar seniki emas! – chug'urlashibdi, chumchuqlar.
 - Bu ziraklar seniki emas! – chirqillashibdi qaldirg'ochlar.
 - Bu ziraklar seniki emas! – g'urillashibdi, kabutarlar.
 - Bu ziraklar seniki emas! Qizcha uxlab yotganida olib qochgansan!
- deb hayqirishibdi baralla.

O'g'ri hakka ziraklarni tashlab qochibdi. Kabutarlar ziraklarni qizaloqqa qaytarishibdi. Qizcha yig'idan to'xtab, barcha qushlarga rahmatlar aytibdi.

O'g'ri hakkani esa hamma yomon ko'rib qolibdi. Ehtiyot bo'ling, o'g'ri hakklar biror narsangizni olib qochmasin!

To'liqin Nurmuhammad

• **Катталар ўқисин!**

Ёмон фарзандлар учун ота- онасини жазолаш керак.

М.Горький

Бир боланинг отаси жуда эрта қазо қилиб, онаси билан ёлғиз қолди. Етти ёшли бола бир куни томорқада ўйнаб юриб, қўшнининг товуғига кўзи тушди. Буни қарангки, товуқ бу атрофда тез-тез кўринадиган бўлиб қолди. Бола бир куни уни синчковлик билан кузатди. Товуқ уларнинг томорқасидаги эски сомонлар устига тухум туғадиган жой ясаб олган экан. Бола товуқнинг иккита тухумини топиб олди ва онасига олиб кирди. Онаси тухумни унга пишириб берди. Шу тариқа бола ва онаси қўшнининг товуғи туққан тухумларни олиб юравердилар.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Бола келишган йигит бўлиб вояга етди. Негадир у катта бўлгач, уйга кам келадиган бўлиб қолди. Ёлғиз қолган онаизор бундан ташвишга туша бошлади. Кунлардан бир кун сарой жарчилари бутун халқни жазо майдонига тўпланишга чақириб жар солди. Майдонга борган она не кўз билан кўрсинки, оёқлари кишанланган ҳолда қўллари чопишга тайёрланган асир унинг фарзанди эди. Она кўзлари ёшланди, юрак бағри эзилиб фарёд кўтарди.

Ўғли подшоҳ саройига ўғирликка тушиб, тиллаларни қўйнига тўлдириб чиқаётганда қўлга олинган эди. Ўша давр қонунларига асосан ўғрининг қўли кесиларди. Сарой аъёнлари ундан қўллари кесилмасидан олдин бирор сўз ёки илтимоси бор-йўқлигини сўрадилар. Ўғил онасини ёнига келтиришилари сўради. Фигони кўкка кўтарилган она боласи қошига келиб турди.

Ўғил онажонидан тилини чиқаришини илтимос қилди. Она ҳайрон бўлди ва тилини чиқарди. Ўғил оёғидаги занжирларни базўр судраб онасига яқинлашди ва волидасининг тилини тишлаб, узиб олди. Йиғилганлар ўғрининг қилмишидан ғазабландилар. Аъёнлар: “Нега бундай қилдинг, эй нобакор?!” дедилар.

Ўғил ўғирланган илк тухумлар ҳақида сўзлаб берди. “Агар онам мени болалигимдаёқ ўғирликдан қайтарганида шу бугун бу майдонда шарманда ҳолатда турмас эдим! Фарзандларини ўғирликдан қайтармаган оналарнинг тиллари кесилсин!!!” деди.

Chaқimchilik

1. Матнни фарзандингиз билан биргаликда ўқинг, суҳбат ўтказинг.

Chaқimchi deb gap tashuvchiga, uning gapini bunga, buning gapini boshqaga yetkazib, kishilarni bir-birlari bilan urushtirib qo'yadigan axloqsizga aytiladi. Chaқimchilik yomon xulqlarning biridir. Chaқimchilikni odat qilganlarni hamma yomon ko'radi. Chaқimchilarni hech kim hurmat qilmaydi. Chaқimchi va g'iybatchilar daraxt ildiziga tushgan qurtga o'xshaydi. Qurt daraxt ildizini kemirib uni quritisa, chaқimchi do'stlik ildizini kemirib, do'stlarni bir-biridan ayiradi. Birovni yomonlab, yolg'on gapirib, hammaning orasini buzadi. Chaқimchilar o'g'ridan ham battarroqdir. O'g'ri molu-mulk o'g'irlaydi. Chaқimchi esa birodarlik, do'stlikni o'g'irlaydi. O'g'irlangan molni topib, joyiga qo'yish mumkin, ammo singan va yo'qolgan do'stlik munosabatini avvalgidek tiklash juda mushkul.

• *Катталар ўқисин!*

Чақимчиликни рағбатланторманг

Беш ёшга қадам кўяётган Ботир ширинликларни жуда хуш кўради. Кичкиналиги учун уни акаси Баҳодирдан кўра кўпроқ эркалайдилар, сийлайдилар. Бугун ҳам одатдагидек Ботирга конфет берилди, Баҳодирга эса йўқ. Баҳодирнинг ҳам ўша конфетдан жуда егиси келди ва укасининг кўлида яримлаб қолган конфетни олиб, еб кўйди. Ботир буни йиғлаб, жабрдийдалик ва ярим чала сўзлар билан ойисига айтиб берди. Она эса Баҳодирни койишга тушди: "Шу кичкина бола билан тенг бўласанми, нафсинг мунча ёмон?.." (Ваҳоланки, болаларнинг ҳаммаси меҳр-эътиборга бирдек муҳтож ва бунда тенгликка ҳақлидирлар.) Беш ёшли бола конфетига шериклик қилувчи рақиб – акасини четга сурган ва унга ғалаба берган усулни келажакда ҳам қўллашини биз ўзимиз унга ўргатяпмиз.

Она бола ажратганини, кичкина беш ёшли фарзандида чақимчиликни рағбатлантиргани ҳақида ўйлагани ҳам йўқ. Кичкина беш ёшли бола чақимчилик сабабли нафси учун акасининг устидан ғалаба қияпти... Бола улғайиб борар экан, бундай "ғалаба" усулидан фойдаланишни ўзида шакллантириб боради: оилада, мактабда, маҳаллада, жамиятда. Агар она ўша пайтда – Ботирнинг беш ёшлигида шу иллатни даф қилса эди... Бола ажратмай, уларга тенг меҳр берса эди...

Бугун бу каби ҳолатлар деярли барчамизнинг оиламизда учраб туради. Қадрли катталар, болаларимизнинг руҳиятини заҳарланишдан асрайлик! Зеро, чақимчилик сабаб дўстлик, оила, ҳатто жамият дарз кетади...

Тоҳир Малик,

"Одамийлик мулки" китоби асосида тайёрланди.

26-mashgʻulot

Maqtanchoqlik

1. Куйидаги масални фарзандингиз билан биргаликда ўқиб суҳбат ўтказинг.

Maqtanchoq toshbaqa

Cho'l toshbaqasi bolasiga shunday dedi:

– Sen ham xuddi men kabi ustki va ostki toshsimon kosalar bilan himoyalangansan. Bu toshkosalarimiz bizni ko'pchilik hayvonlardan asraydi. Shuning uchun sen dushmanlardan qo'rqmagin. Agar biror xavf tug'ilib qolsa, darrov kosalaring ichiga berkingin. Shunda hech qanday dushman yenga olmaydi. Ammo asloyodingdan chiqarmaginki, burgutlar biz toshbaqalarning azaliy va ashaddiy dushmanimizdir.

Otasidan bu gaplarni eshitgan yosh, tajribasiz toshbaqacha maqtanib, bemalol yuraverdi. Rostdan ham uning kosalari himoya qila oldi. U toshkosalari bilan hayvonlarga maqtanar, boshqalarning himoyasiz tanasini masxaralab kulardi. Toshbaqa shunchalik o'ziga bino qo'ydi, u otasi aytgan gaplarni, dushmanlarni butunlay esidan chiqardi. Otasining birorta nasihatlarini haqida o'ylab ham ko'rmadi. Bir kuni uning tepasida burgut paydo bo'ldi. Maqtanishda davom etib o'tirgan toshbaqa buni hatto payqamadi. U toshbaqachani kelib changalladi-yu, osmonga ko'tarildi. Toshbaqacha o'sha lahzada o'zining xatosini tushunib yetdi, ammo endi kech bo'lgan, manmanlik va maqtanchoqlik o'z ishini qilib bo'lgan edi... Osmonu-falakka yetgach, burgut o'z o'ljasini qattiq qoyalarga tashladi. Bechora toshbaqaning toshkosalari sinib parchalandi, o'zi esa o'sha burgutga yem bo'ldi...

2. Шеърни ўқитинг.

Maqtanchoq mayna

– *Bu joy menga tegishli!* –

Deb kerildi maynaoy.

– *Qani jo'na, bo'laqol,*
Adashgansan, hoynahoy.

Men qushlarning go'zali,
Betakrorman, yaxshiman.

*Menga hurmat ko'rsatgin,
Tabiatning naqshiman.*

*Patlarin hurpaytirib,
Achchiqlandi chumchuqvoy.
Shu on kichikligidan
Afsuslandi chumchuqvoy.*

*– Aytganimni qil tezroq,
Hoy ko'rimsiz, xunuk qush.
Menga qulluq qilmading,
Senga aytay bir yumush.*

*Qani o'tchi orqamga,
Patlarimni silab qo'y.
Boshlarimni uqala,
Sochlarimni tarab qo'y.*

*Bir kun o'sha maynaoy
Olcha yutdi shoshilib.
Tomog'iga tiqildi,
Chiyilladi bo'g'ilib.*

*– Og'zingizni oching-chi,
Nafas olmang ozgina.
Mana danak olyapman...
Ahvolingiz sozgina!*

*Chumchuq olib tashladi
Danakni darrovgina.
Mayna o'lib qolardi,
Kech qolganda ozgina.*

*– Meni kechir, chumchuqvoy,
Do'st bo'laylik ayrilmas.
Endi bildim maqtanish
Yaxshi fazilat emas!*

**Nilufar Jo'raeva,
Farg'ona viloyati,
O'zbekiston tumani, 18-maktabning 5-sinf o'quvchisi**

Loqaydlik va dangasalik

1. Фарзандингиз билан лоқайдлик ва дангасалик ҳақида суҳбат ўтказинг.
2. Ушбу масални биргаликда ўқинг ва муҳокама қилинг.

Loqayd sichqon

Bir sichqon katta anhor labiga uy quribdi. Bahorda anhor suvi ko'tarilsa, naqd sichqon uyining ostonasigacha chiqardi. Shunda boshqa sichqonlar uni ogohlantirdilar.

– Hoy hamqishloq, uyingning ostonasini ko'tarib, mustahkamlab qo'y. Xavf bor, tag'in suv ko'payib kelganda uyingni, oilangni oqizib ketmasin!

Bunga javoban sichqon dedi:

– Shunchadan beri yashayapmiz. Hech narsa qilmaydi. Kunimiz tinchgina o'tyapti.

Oradan kunlar o'tdi. Ota sichqon qo'shnilarining gapini jiddiy o'ylab ko'rgisi kelmadi. Yog'ingarchilik ko'paygandan ko'paydi va bir kuni anhorni to'ldirib, hayqirib oqib kelgan suv sichqonning uyini, oilasi, bolalarini butkul oqizib ketdi. Ota sichqon kelib, ahvolni ko'rib faryod ko'tardi. Ammo kech bo'lgandi. U o'zining dangasaligi va loqaydligi sabab yaqinlarini – hayotining mazmunini yo'qotdi.

Bahodir Shokirov

3. Ушбу шеърни биргаликда ўқинг ва муҳокама қилинг.

Chumoli

*Men chumoli, chumoli,
Kuni bilan tinmayman.
Qishning g'amin kuzda yeb,
Charchash nima – bilmayman.*

*Dovonlardan oshaman,
Inimga men shoshaman.
Dangasalik menga yot,
Mehnat-la shirin hayot!*

Laziza Halilova

28-mashg'ulot

Yomon so'z

1. Фарзандингиз билан ёмон сўз ҳақида суҳбат ўтказинг.
2. Ушбу масални фарзандингиз билан биргаликда ўқинг ва муҳокама қилинг.

Ko'ngil yarasi

Bir odam o'rmonda ayiq bilan do'stlashib qoldi. Keksa ayiq beozor va yaxshi edi. U o'rmonda o'kirib-o'kirib aylanib yurar, maymunjonlar yer, qushlar bilan o'ynashar, do'sti odamga esa o'tinlarni tashishda yordamlashar edi.

Kunlardan bir kun odam ayiqni uyiga mehmonga chaqirdi. Ayiq lopillab, xursand bo'lib ularnikiga keldi. Bu mehmonning tashrifidan norozi bo'lgan xotini: "Fu, fu, shu sassiq bilan oshna tutindingizmi?" dedi aftini bujmaytirib.

Buni eshitib turgan ayiq qattiq ranjidi. Do'stini chaqirib, u bolta so'radi. Do'sti hayron bo'lib, nima qilarini bilmay turaverdi. Ayiq uning uyidan boltasini qidirib topdi-da, uni do'stiga tutqazdi va iltijo bilan dedi:

– Shu bolta bilan peshonamga bir ur!

Ayiq shu iltimosni qaytaraverdi. Do'sti ayiqning peshonasiga urdi. Jonivor og'riq azobidan o'kirib o'rmonga yugurdi. Oradan haftalar, oylar, vaqtlar o'tdi. Bir kuni do'stlar o'rmonda bir-biriga duch kelishdi. Shunda ayiq do'stiga:

– Qara, peshonamdagi boltaning izi allaqachonlar bitib ketdi, lekin xotining tilidan chiqqan gaplardan yuragimga hanuzgacha davo topolmayapman. Ko'nglim jarohati hech bitay demaydi, kechagi yaradek yuragimni azoblayveradi! – debdi.

Ayiqning gaplaridan odamning yuragi ezilibdi. Bu beozor momiq va qadrdon do'stidan ayrilganidan nadomat chekibdi. Odam shundan so'ng ayiq bilan oldingi qadrdonligini tiklay olmabdi. Chunki ayiq insonlarni juda dilozor mavjudot ekan, deya odamzotdan uzoqlashibdi.

• Катталар ўқисин!

*Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонға хабар жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Алишер Навоий

29-mashg'ulot

So'kish

1. Фарзандингиз билан сўкишнинг ёмонлиги, кўнгилсиз оқибатлари, сўкишга ўрганмаслик ва ундан қочиш ҳақида суҳбатлашинг.

2. Матнни фарзандингиз билан бирга ўқинг.

So'kish – yomon so'zlarni aytish, uyatsiz gaplarni gapirib, boshqalarni haqorat qilishdir.

Ko'pincha o'g'il bolalar o'ynaganlarida yoki nimadandir achchiqlanganlarida bir-birlarini yoki boshqalarni so'kadilar. Buni atrofdagi bolalar ham o'rganib, "o'zlashtirib" oladilar. Odobli bolalar hech qachon bundayqilmaydilar. Chunki o'zini, o'z ota-onasini hurmat qilganlar hech qachon so'kinmaydilar. Donolar deydiki: "Kim birovni so'ksa, u o'z ota-onasini so'kibdi". So'kingan bola bu yomon odatga o'rganib qoladi. Oqibatda bunday jirkanchlik unga kelgusi hayotida ko'p ko'ngilsizliklar keltiradi.

So'kinadigan bola urushqoqligi va so'kinishlari sababli kun kelib butunlay yakkalanib qoladi, chunki uning atrofida yaxshi do'stlar qolmaydi.

• Катталар ўқисин!

Сўкиш эшитиладиган жойдан ҳаё қочади. Ҳаё қочган жойдан файз-барака кетади. Сўкиш маданиятсиз, ахлоқсиз кимсаларга, майпараст, ишратпараст эркакларга ва беҳаё кўча хотинларига хос иллат. Сўкишнинг ёмонлигини ҳамма билади, лекин бу иллатдан қутулишни ўйламайди.

Фарзандимиз ўн икки, ўн беш ёшларда бировни сўкаётганини эшитиб қолсак, ғазабланамиз. «Бу ёмон одатни қаердан ўрганди?» деб бошимиз қотади. Лекин бир-икки ёшлигида, тили эндигина чиқаётган пайтда «Онангни сўкиб қўй!» деб ўргатганимизни унутиб қўямиз. Уч ёшли ўғлимиз ёки набирамиз ширин тилчалари билан бировни сўкаётганини эшитсак, қувонамиз. Иллат кулбасининг пойдеворини ўзимиз тиклаб қўйиб, оқибатда «Бу қора кулба қаердан пайдо бўлди?!» деб гангиб юрамиз. Болага сўкишни бировлар ўргатмайди. Сўкишни ўргатувчилар аввало ўзимиз. Гўдакка сўкишни эмас, саломни ўргатайлик. Атрофдагиларни сўкиши билан эмас, балки жажжи қўлчаларини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум!» дейиши билан қувонайлик, фахрланайлик.

Фарзанд, оила, миллат ахлоқсизлиги билан эмас, ширин сўзлиги ва маданияти билан шуҳрат топсин!

«Одамийлик мулки» китоби асосида тайёрланди.

Zararli odatlar

1. Фарзандингиз билан зарарли одатлар ҳақида суҳбат ўтказинг (бармоқ сўриш, тирноқ чайнаш, баъзи ширинликлар ва ичимликларни ортиқча истеъмол қилишнинг зарарлари...).

• **Катталар ўқисин!**

Қуш уясида кўрганини...

Биз катталар одатда болаларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб юрамиз, баҳо берамиз. Турли давраларда улар ҳақида сўз юритамиз. Аммо ҳамиша ўзимизни осмонда, болаларни эса ерда кўрамиз. Биз ерда – болалар дунёсида ҳам тўлақонли, қизғин ҳаёт давом этаётганини ҳеч ўйлаб кўрамизми?

Болалар ҳам бизни синчиклаб кузатишларини, тилимиздан учган гапларни муҳокама қилишларини, баъзан бизнинг шаънимизни ҳимоя қилиб, баъзан эса қоралашларини, энг муҳими айтган гапимиз билан ишимизнинг бир-бирига мос ёки мос эмаслигини таҳлил этиб, хулоса қилишларини биламизми?

Ким “Фарзандим мен ҳақимда мана бундай фикрда...” деб аниқ айта олади? Фарзанднинг ота-она ҳақидаги фикрлари тарбиясига қанчалар таъсирли экани ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?

Ота сигаретни бемалол тутатиб олиб, чекишга ўрганаётган ўғлига танбех беради. Ўзича чекишнинг зарари ҳақида гапиргач, агар гапга кирмаса, калтакланиши аниқлигини маълум қилиб, тарбиявий соатни яқунлайди. Бола “Ўзингиз-чи?” деган саволни бергиси келади, аммо ваъда қилинган калтакка муддатидан олдин рўпара бўлишдан қўрқиб индамайди. Индамайди-ю, пана-панада чекишни давом эттираверади...

Ичкиликнинг зарари тўғрисида гапирган бобога набира “Ўзингиз ҳам роса ичгансиз-ку!” деб таъна қилади. Бобо: “Ҳа, ичганман, ўшанинг зараридан ҳозир кўп касал бўляпман!” деб қутилади.

Бироқ болага бу гап таъсир қилмайди. Болалар тарбиясида аввало шахсий намуна керак. Сизу бизнинг амалда ўрнагимиз керак, биз ўзимиз тарбияга муҳтож бўла туриб, бунини фарзандимиздан кутиш ва талаб қилиш жуда нотўғри, кулгили ва ачинарлидир. Чунки олма дарахтининг тагига шафтоли эмас, фақат олма тушади. Ким нима экса, шуни ўради!

• **Катталар ўқисин!**

Ота-онанинг фарзандига қолдириши мумкин бўлган энг гўзал, энг қимматли, тенгсиз мероси – бу одоб ва тарбиядир. Бу ҳақиқатни билганлар болаларини уриш ўрнига адаб хивичи билан тартибга чақиришади, интизомга келтирадилар.

Аҳмад Лутфи Қозончи

31-mashg'ulot

Yaxshilikka yomonlik

1. Яхшилик ва ёмонлик хусусида фарзандингиз билан суҳбат ўтказинг.
2. Эртакни фарзандингиз билан ўқинг ва муҳокама қилинг.

Toshbaqa va chayon

Bir chayon yemak topolmay, och-nahor daryoning yoniga kelib qoldi. U o'zini to'liqin kelib olib ketishidan qo'rqib turgan edi, toshbaqani ko'rib qoldi. Chayon toshbaqaga:

– Ey qardoshim!.. Iltimos, menga yo'ldosh bo'! Yordam ber! Meni suvning narigi tomoniga o'tkazib qo'y, bir necha kundan beri ochman, ochlikdan shu yerlarda o'lib qolmay. Suvning u betiga o'tib, quruqlik tomon ketaman, yemak topaman. Ochlikdan sillam qurib qoldi, – deb yalindi.

Toshbaqa unga achindi va dedi:

– Mayli, mening orqamga min. Seni bu nochor holatdan qutqaraman, mo'l-ko'l joyga olib borib qo'yaman.

Chayon quvonib toshbaqaga yopishdi. Ular suvda suza boshlashdi. Daryoning o'rtasiga borganda chayonning fikri buzildi. Toshbaqani chaqqisi kelib qoldi. U toshbaqaning tosh kosasi ustidan nishini sanchishga joy qidirib, juda bezovtalanib qoldi. Buni sezgan toshbaqa chayonga:

– Nima qilyapsan, nega bezovtalanyapsan? – dedi.

Chayon:

– Seni chaqishni istayman! – dedi.

Toshbaqa:

– Sen shunchalar pastkashmisan, senga yaxshilik qilsam ham, menga ozor berasanmi? – dedi.

Chayon:

– Men yaxshilikka yomonlik qilmasdan, turolmayman. Mening kasbim shu! – dedi.

Shunda toshbaqa:

– Unda mening kasbim suvga sho'ng'ishdir! – dedi va suvga sho'ng'idi.

Zolim chayon suvga cho'kib halok bo'ldi. Qissadan hissa shu: yaxshilikka yomonlik qilish ana shunday halokatga olib boradi.

32-mashg'ulot

Vaqt isrofi

1. Ушбу матнни фарзандингиз билан ўқинг ва вақт исрофи ҳақида суҳбатлашинг.

Har bir narsaning isrofi bo'lganidek, vaqtning ham isrofi bor. Vaqtdan to'g'ri foydalanmaslik – uni behudaga isrof qilishdir.

Har bir kishi o'zining kun tartibini avvaldan belgilashi va unga hamisha rioya qilishi kerak. Masalan, bolalar ertalab uyqudan soat nechada uyg'onish; yuz-qo'lni yuvish; nonushta qilish; maktabga borish; maktabdan qaytish; tushlik; dam olish; uy ishlarida onasiga yordam berish; o'ynash vaqti; dars tayyorlash; sayrga chiqish; cho'milish va shu kabilarni belgilab olishi lozim.

Ba'zi bolalar kun bo'yi televizorda multfilm yoki kinofilm ko'rib, dars tayyorlamaydi va ertasiga "ikki" baho oladi. Ayrim o'yinqaroqlar ko'chada o'ynash bilan kunni kech qilib, oilasi uchun birorta foydali ish bajarmaydi. Vaqtini behudaga o'tkazganlar hayotda xoru-zor bo'lishlari tayin.

Dangasa, o'yinqaroq, irodasiz bo'lmang! Vaqtingizdan unumli foydalanib, har ishga ulgurishga bolalikdan odatlaning. Dono xalqimizning hikmati so'zimizga yakundir:

Vaqting ketdi – baxting ketdi!

2. Фарзандингиз учун кун тартибини биргаликда тузинг.



Мулоҳаза

Кўп қаватли уйда тураман. Мунаввар хола эрталаб бешинчи қаватдан секин тушиб, қўлидаги стулчаси билан кўчага чиқиб, жойлашиб ўтиради. Сўнг ёнига Нигора опа, Зиёда хола, Ҳалима опа, уларнинг қизлари чиқишади. Уларнинг сони беш-олтитага етади ва ҳаммаларининг қўлларида стулчалари бор. Сабаби гурунг соати узоқ чўзилади. Ахир, астойдил ўтириб жойлашиб олишмаса, оёқлари чарчаб қолади-да.

Гап соати уйларига кириб тушлик қилиб чиқишларини ҳисобга олмаса, кечгача давом этади. Эрталаб ишга кетаётиб кузатаман бу ҳолатни... Ишдан қайтаётиб кўраман бу ҳолатни... Кечки салқинда фарзандимни сайрга олиб чиққанамда... Кечаси ётишдан аввал об-ҳавога қизиқиб деразадан ташқарига боққанамда... Ажабки, шу ҳолатни кўравераман...

Буларнинг уйида рўзғори, фарзандлари йўқмикан? Бор! Учта, тўрттадан фарзандлари бор. Уларнинг меҳр, эътиборига, тарбиясига муҳтож ва муштоқ фарзандлари бор. Аммо уларга ўз фарзандларидан кўра бекорчилик номли “фарзандлар”га қараш муҳимроқ.

Бекорчилик номли фарзандлар ўзига тортаверади, уларнинг тўнғичи ҳасад, ўртанчаси ғийбат, кенжаси ёлғон. Улардан кутадиганинг ёмонлик, уруш, зое кетган умр, афсус-надомат... Бу вақт исрофи, ортга қайтариб бўлмас дақиқалар, яхшилик, эзгулик учун берилган ва фойдаланилмаган муддат исрофи... Умр исрофи...

Кошки бу тиллар яқинда келин туширган қўшнининг ғийбатини қилиб, “гўштини ғажиш” ўрнига ўқувчи болаларига дарс қилдирса... Кошки шу ўтаётган соат ва кунлар фарзандлар тарбиясига сарфланса эди...

Бугун бу каби ачинарли ҳолатларга кўп жойларда гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳозир аёллар ўртасида “гап ейиш” кучайиб кетди. Чойхона, ресторан, балиқхона – ҳаммасида аёллар “гап емоқда”. Ўз номидан бу нима экани кўриниб турибди. Оталар чойхонада, оналар, бувилар гапхонада умр гузаронлик қилаверсалар, болаларимизнинг тарбияси нима бўлади? Бемаъни ўтган умрни ким ўйлайди, унинг исрофини ким тўлайди? Сўнгги пайтларда аёллар учун махсус “гапхоналар” ташкил этилмоқда. Мени ажаблантирадигани шуки, нега энди “гапхона”? Тарбияхона эмас?! Бор бисотини тақиб, кийиб, ким ўзарга ясанишлар, “гап мазасидан” хумор қилишлар, қимматли вақтни бекорга соворишлар вақти келиб бизга қимматга тушмасмикан? “Гапчи” аёлларнинг орасида ҳатто ёш болаларини яқинларига ташлаб келадиганлари ҳам бор.

Аслида, болаларимиздан ҳам олдин ўзимиз тарбияга муҳтожмиз. Қалбимиз касал. У азобдан инграяпти, унга маърифат, маънавият, илм малҳам бўлади.

Азиз аёллар! Жигарбандларимиз тарбиясини орқага сурмайлик, қандай шириндан-шакар болаларингиз, набираларингиз бор. Илтимос, болаларимиздан жиноятчи, ўғри, каззоблар эмас, ахлоқи гўзал, эл корига ярайдиган инсонлар чиқсин. Эсингизни йиғинг, умрингизни, имкониятингизни, болаларингиз тарбиясини бой бериб қўйманг!

33-mashgʻulot

Isrof

1. Фарзандингизга исроф ҳақида билганларингизни тушунтиринг.
2. Сувни исроф қилмаслик мазмунидаги ушбу матнни ўқиб беринг.

Suv! Hech chanqab qolganingizda suv topolmay, qiynalib qolganmisiz? Suvsizlik nima ekanini, u nimalarga olib kelishini bilasizmi? Suv boʻlmasa, bogʻ boʻlmaydi, siz sevib yeydigan olma, oʻrik, shaftoli, umuman barcha mevali daraxtlar suv bilan tirik – meva beradi. Butun tabiat – odamlar, hayvonlar, mavjudotlarning hammasi suvsiz yasholmaydi. Agar suv boʻlmasa, butun tabiat, odamlarning hayoti halokat yoqasiga kelib qoladi.

Bugun yer yuzidagi koʻplab aholi suvsizlikdan aziyat chekmoqda. Yurtimizda ham bunday muammo yoʻqmi? Biz suvni tejash haqida oʻylayapmizmi? Koʻp hollarda suvdan foydalanib boʻlsak ham, joʻmraklar ochiq turaveradi. Qancha suv oqib ketyapti, isrof boʻlyapti, oʻylamaymiz. Ayni shu vaqtlarda kimlardir suvga muhtoj. Biz esa suvni isrof qilayotganimizga eʼtibor bermaymiz. Bu holat nafaqat notoʻgʻri, gunoh sanaladi.

Umuman suvdan tashqari, gaz, elektr energiyasi – bularning ham isrofi bor. Ehtiyojimizdan ortigʻi, yaʼni ishlatib boʻlgandan keyin ham ularning oqib yoki yonib turishi isrofdir.

Aziz bolajonlar, bunday isroflarga aslo yoʻl qoʻymang!

3. Фарзандингизга ушбу ҳикматлардан ёд олдириг.

Suvga tuflama.

Suvli el boy, suvsiz elning holi voy.

Oldingdan oqqan suvning qadri yoʻq.

Toma-toma koʻl boʻlur.

34-mashg'ulot

Tilanchilik illati

1. Фарзандингиз билан текинхўрлик ва тиланчиликнинг ёмон одат экани ҳақида суҳбатлашинг.
2. Фарзандингизга ишламасдан бировга ялиниб яшаш бора-бора тиланчиликка олиб бориши, меҳнат қилиб кун кўришининг эса нечоғлик тўғри, муҳим ва афзал эканини тушунтириб беринг.
3. Мақолларни ёд олдинг.

* * *

Mehnat qilib topganing – qandu-asal totganing.

* * *

Ishlamagan tishlamas.

* * *

Mehnat – mehnatning tagi rohat!

• Катталар ўқисин!

Кўча бошларида ўтириб, ўтган-кетганларга қўл очиб, тиланчилик «санъати»ни эгаллаётганлар кўпайиб бормоқда. Булар орасида бозорма-бозор кезадиганлари, уйма-уй юрадиганлари ҳам бор. Қувлаб етадиганлари, ҳеч нарса бермасангиз, ҳақорат қилиб кетадиганлари-да учраб туради. Бир тиламчини ҳафтанинг олти кунида олти манзилда кўришингиз мумкин. Маблағ тикмай, даромад қилишни ким ҳам истамайди, дейсиз? Сармоя тикиш йўқ, ҳужжат тайёрлаш йўқ, солиқ тўлаш йўқ. «Бўш турган қўлни Аллоҳ севмайди», дея эшикма-эшик санғиб, бир-иккита дуони минғирлаб, кир ва ифлос ҳолатда такрорлаб, изғиб юришдан иборат бу «бизнес»...

Бундай тиланишнинг нима қийинчилиги бор? Топталган ор-номус, йўқотилган одоб ва иффат туйғулари эсланмаса бўлди. Айрим тиланчилар юзларини ўраб оладилар. Бу нима, одамлардан уялишми? Худодан уялмаган киши бандаларидан қандай уялиши мумкин?! Наҳот, бандалардан тилаш, тиланиш шунчалар осон бўлса? Уятнинг кўчаларига аллақачонлар қадамини босмай қўйган, «Худо берсин!» деган жавобни ҳам эшитгач, қуруқ кетишни хаёлига келтирмайдиган шилимшиқ, ёпишқоқ, кўз остига олган одамини зулукдек сўрмагунича кўнгли жойига тушмайдиганларнинг кўпларининг билагига кучи йўқ, дейсизми?! Меҳнатга яроқли эмас, деб ўйлайсизми?!

Инсонийликнинг асл моҳиятини англаганлар учун одоб, ор-номус, уят, иффат дунёдан ва дунёдаги барча нарсалардан бениҳоя қимматлидир!

35-mashg'ulot

Ilm va hunarning xosiyati

1. Фарзандингизга дарсликнинг 36-бетидаги шеърни ёд олдинг.

2. Фарзандингиз билан биргаликда ушбу матнларни ўқиб, мазмунини тушунтириб беринг.

Inson o'qiydi, o'rganadi, izlanadi – bu ilm deb ataladi. Agar inson o'z yo'lini ilm nuri bilan yoritmasa, zulmat va nodonlik ko'chasida qoladi. Ilmsiz yurib, o'qib-o'rganmay turib, yomonliklarning farqiga borib bo'lmaydi. Odamning qadri ilm bilan yuksaladi. Dunyoda qanday yomonliklar, yovuzliklar bo'lsa, bular ana shu ilm bo'lmaganidan, ilmning yetishmasligidandir. Eng katta halokat – bu ilmsizlikdir. Ilm bo'lmasa, tarbiya ham, taraqqiyot ham, yaxshiliklar ham bo'lmaydi. Ilm – inson uchun ziynat va jamiki yaxshiliklar yo'lidir!

3. Ушбу мақолни ёд олдинг.

Bilagi zo'r birni yiqar, bilimi zo'r mingni!

4. Ўқитинг.

Ey farzand! Dunyoda kasb-hunar o'rganishdan or qilma. Hunar – bu bir ishni uddalayolishingdir.

Masalan, eshik-rom yasash, kiyim tikish, yog'ochga gul solish, uy qurish, savat to'qish, sartaroshlik, mashina tuzatish va boshqa shu kabi ishlar hunardir. Hunar go'yoki yashirin xazina. Hunar doimiy hamrohdir. Ishlamasdan birovlardan yordam kutib o'tirish juda xunuk odat. O'z hunari orqali halol non topib yashagan insonlar doim qadrlidir!

Mushtariy Xolmatova

4. Ҳикматлардан бирини ёд олдинг.

* * *

Bekorchilikka odatlanish – yomon kulfatdir.

* * *

Hamma yomonlikning ildizi bekorchilikda.

* * *

Ishlagan odam zerikmaydi.

Kim bo'lsam ekan

1. Фарзандингизга дарсликнинг 40-бетидаги матнни ўқишга ёрдамлашинг. Унинг қандай касблар ҳақида билишини ва қайси касбга қизиқишини сўранг.

2. Тўғри касб танлай олиш ҳақида тушунчалар беринг.

• Катталар ўқисин!

Болаликдан ҳар ким нимагадир қобилиятли бўлиши ҳақида эшитгансиз. Кимдир кўлига илк бор қалам ушлаган кунларидан бошлабоқ кишини ҳайратга соларли расмлар чиза бошлайди. Баъзи «зумраша»лар шу қадар сўзамолки, ёқа ушлайсиз. Жажжи қизалоқларнинг баъзилари жуда меҳрибон «она», баъзилари кўғирчоқларининг моҳир тикувчиси, айримлари ўйинчоқ идишчаларда таом пиширишни завқ билан бажаради.

Тарихда фарзандларининг буюклик, улуғлик мақомига эришишда беқиёс хизматларини қўшган ота-оналар жуда кўп. Улар фарзанддаги қобилиятни ўз вақтида илғаб, асосан ҳаракатни, эътиборни шунга қаратганлар. Қобилият шундай бир улуғ кучки, у туфайли инсон саодатга етади.

Афсуски, аксарият инсонлар болалардаги қобилиятни кўрмайдилар, илғамайдилар, башарият учун хизмат қилиши мумкин бўлган олим, санъаткор, ҳаким туғилади-ю, улар ота-оналарнинг эътиборсизлиги ёхуд бошқа касбга мажбурлови остида йўқликка айланади.

• Катталар ўқисин!

Болангизни у билан гаплашаётган, бирор нарса ўргатаётган ёхуд унга бирор иш буюраётганингизда, тарбия қиялпман, деб ўйламанг. Сиз уни ҳаётингизнинг ҳар бир сониясида тарбиялаб борасиз. Сўзингиз оҳангидаги зиғирдек ўзгаришни ҳам бола сезиб, ҳис қилиб туради. Фикрингиздаги озгина бурилиш ҳам кўринмас йўллар билан болага етиб турадики, бунга ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

А.С.Макаренко

Болалар билан муомалада доим тўғри сўз бўл, унга бирон ваъда бердингми, бажар, акс ҳолда уни ёлғончиликка ўргатасан.

Л.Н.Толстой

Оилавий тарбия ота-оналар учун аввало ўз-ўзини тарбиялаш демакдир.

В.А.Сухолинский

Фарзандларингизни моддий неъматларга кўмиб юборишингиз мумкин, лекин буларнинг ҳеч қайсиси фарзанднинг қобил бўлиб чиқмоғи учун етарли бўлмаслиги мумкин.

О.Шарафиддинов

Ogohlik

1. Фарзандингизга огоҳлик ва ҳушёрлик тушунчалари ҳақида гапиринг, зийраклик, ҳушёрлик, огоҳлик талаб этиладиган турли вазиятлар ҳақида тушунтиринг, ўзларини қандай тутишларини ўргатинг.

• **Катталар ўқисин!**

Болаларни асранг

Маълумотларга кўра, бугун дунёда ривожланиб бораётган жиноятлар ичида одам савдосининг ярмини болалар савдоси ташкил этмоқда. Болаларни қул қилиш, зўрлаш, пул топиш учун турли мақсадларда фойдаланиш, тиланчиликда ишлатиш, аъзоларини сотиш, қўйингки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган разилликлар содир бўлмоқда. Ушбу мавзунини кўтаришдан мақсад сизларни хавотирга солиш эмас, огоҳликка чақириш, холос. Зеро, бугун огоҳлик – давр талаби! Огоҳлик – бугуннинг энг долзарб масаласи.

Қандай огоҳ бўламиз?

Фарзандларингизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг. Уларни кўчаларда, ўқишга кетаётганларида, умуман ёнингизда бўлмаган пайтларда бегоналар билан танишишларини, мулоқот қилишларини таъқиқланг. Уларга бегоналар берган нарсаларни олмасликларини, бегона машиналарга ўтирмасликларини, ундайларга ишонмаслик кераклигини тайинланг. Уларни уйда ёлғиз қолдирганингизда эшикни бегоналарга очмасликларини тушунтиринг. Болалар жуда ишонувчан бўладилар. Шу сабабли энг хавфсиз ҳолат – бу болага нотаниш, шубҳали кишиларга ишонмасликни тушунтиришдир. Айниқса, кеч тушганда, одамлардан холи жойларда болаларнинг юриши хавотирли ҳолат. Бундай пайтларда уларни дўконларга, ахлат ташлашга ва шу каби бошқа юмушларга буюрманг. Яхшиси, бу юмушларни шундай вақтларда ўзингиз бажаринг. Болаларингизга бундай ҳолатлар кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиринг. Керак бўлса, ҳар куни уйдан чиқиб кетаётганларида қайта таъкидланг. Унутманг! Бола ўғрилари фақат эртақларда, ойнаи жаҳонда эмас, уларнинг ёқимсиз шарпалари бугун сизу биз яшаб турган ерларда ҳам учраб турибди. Болангизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг!

Азиз ва жондан ортиқ фарзандларимизни барча хавфлардан асрайлик!

• **Катталар ўқисин!**

Кимки жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни қилмаса, у жиноятни рағбатлантирган бўлади.

Сенека

38-mashg'ulot

Erkatoylik

1. Фарзандингиз билан эркатойлик мавзусида суҳбат ўтказинг.
2. Фарзандингизга ушбу эртакни ўқиб беринг ва бирга муҳокама қилинг, эртакдан қандай хулоса чиқаргани билан қизиқинг.

Filcha Yasha

Yasha degan filcha bo'lgan ekan. Ota-onasi uni juda sevisharkan. Ular birga o'ynar, birga sayr qilishar va daryoda cho'milishar ekan. Kichkina filcha ota-onasi bilan vaqt o'tkazishni juda yaxshi ko'rarkan. Bir kuni Yasha ota-onasi bilan bog'da sayr qilib yurgan ekan, bog'da maymunchaning qo'lidagi sharni ko'rib qolibdi. Shar Yashaga juda yoqibdi. Filcha shunday shar o'zida ham bo'lishini orzu qilibdi. Yashaning ota-onasi kichkintoyini xursand qilish uchun unga ham shar olib berishibdi. Filcha juda quvonibdi va sharni doim o'zi bilan olib yuribdi. Ertasi kuni Yasha ayiqchanning qo'lidagi yashil sharni ko'rib qolibdi. Ota-onasidan unga ham yashil shar olib berishlarini so'rabdi. Ota-onasi unga yashil shar ham olib berishibdi. Keyingi kunlarda filcha qizil, sariq va boshqa rangdagi sharlarni ham istab qolibdi. Yasha har xil rangdagi sharlarni oldiraveribdi. Tez orada ota-onasining puli qolmabdi. Endi pul topish uchun ko'proq mehnat qilib, ishlashlari kerak bo'libdi. Yasha ota-onasiga qancha ko'p narsalar oldirsa, ular shuncha ko'p ishlashlariga to'g'ri kelibdi. Ota-onasining filcha bilan o'ynashga vaqtlari ham bo'lmay qolibdi. Yasha esa endi har kuni zerika boshlabdi. Son-sanoqsiz sharlari ham uni xursand qilmay qo'yibdi. Bir kuni u sharlarini olib ko'chaga chiqibdi. Uchar sharlar Yashani tepaga olib chiqib ketibdi. U qo'rqqanidan "Yordaaam, yordam beringlar..." deb qichqiribdi. Filchanning baqirganini eshitgan chumchuqlar Yashaga yordam berishibdi – uning yerga tushishi uchun tumshuqlari bilan sharlarni teshishibdi. Yasha sekin-asta pastga qaytib tushibdi. U maysalar ustiga tushib, o'ylanib qolibdi. Ota-onasi bilan sayr etish, ular bilan o'ynash qanchalar yaxshi va yoqimli ekanini tushuna boshlabdi. Yasha o'z xatolarini anglabdi va ota-onasini boshqa qiynamaslikka qaror qilibdi.

Ukrain xalq ertagi

Do'stlik

1. Фарзандингиз билан дўстлик мавзусида суҳбат ўтказинг.
2. Ҳақиқий дўстнинг сифатларини санаб беринг.
3. Фарзандингиздан ўзининг дўстлари ҳақида гапириб беришини сўранг.

• **Катталар ўқисин!**

Фарзандингизнинг дўстлари

Баъзан фарзандларимизнинг дўстлари билан “қизиқиб” кўямиз. Унинг ўртоқлари таъбимизга ўтирмаса ёки бу дўстнинг ота-онасини ёқтирмасак, фарзандимизни ўзи танлаган ошнасидан узоқлаштиришга уринамиз. Бундай вазиятда биз даъвоимизни исбот этолмаймиз. “У билан ўйнама!” деб талаб қилиш билан чекланамиз. Бундай жараённи кўп бошимиздан ўтказганмиз. “Фалончи одобсиз, у билан ўйнама!” деймиз. Биз унинг ёнидаги дўстининг қандайлигини билмаганимиз ҳолда, бир-икки марта кўрган ёки эшитганимиз билан ҳукм чиқариб кўя қоламиз. Биз ароқхўрнинг ўғлини ёки кўчада писта сотиб ўтирганнинг қизини фарзандимиз билан дўстлашини истамаймиз. Чин дўстлик билан манфаатли дўстликни ўзимиз фарқламай туриб, фарзандимизни шу дўстлик сари ундаймиз. Агар фарзандимиз амалдорнинг ўғлини бошлаб келса, уни азиз меҳмондай кутиб оламиз. Соясига кўрпача соламиз. Амалдор ишдан кетгач эса, ўғлини энсамиз қотиброқ қаршилаймиз. Фарзандимизнинг ундан узоқлашини хоҳлаб қоламиз. Бу ҳолатни фарзандимиз кўриб, фаҳмлаб туради. Дўстларнинг таъсирида бола ёмон томонга ҳам, яхши томонга ҳам ўзгариши мумкин. Шунинг учун фарзандларимизга ақлли, қобил ва яхши болалар билан дўстлашишига ёрдам берайлик. Дўстларининг фазилатлари ҳақида сўраб ўртоқлашайлик. Зеро, фарзандларимиз қўл остимиздаги буйруқларимизни бажарувчи, фақат бизнинг хоҳишларимизни амалга оширувчи восита эмас. Улар жамиятнинг, эртанинг эгалари! Уларга кўғирчоқ сифатида эмас, инсон сифатида, шахс сифатида муносабатда бўлайлик!

• **Катталар ўқисин!**

Бақиргандан кўра мароми билан секин қилинган муомала қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади. Ота болани кичиклигидан бебош қилиб қўйса, болада гуноҳ йўқ, барча жафо отада.

Юсуф Хос Ҳожиб

Жон фидо қилиб ишланмаса, на истеъдодлар, на даҳолар туғилади.

Д.И. Менделеев

40-mashg'ulot

Tabiatga g'amxo'rlik

1. Фарзандингиз билан табиатга ғамхўрлик мавзусида суҳбатлашинг.
2. Ҳикояни фарзандингизга ўқиб беринг ва ундан тушунчаларини сўранг.

Adashgan bolalar va mushukcha

Bolalar ko'chada kichkina mushuk bolasini topib oldilar. Odil bilan Alisher mushukchanning quloqlaridan, dumidan tortib qiynay boshladilar. Mushukcha qochishga harchand urinmasin, ularning qo'lidan chiqishga kuchi yetmasdi. Bundan Odil bilan Alisher zavqlanib kular, mushukchanning tang ahvolini maroq bilan tomosha qilardilar.

Shunda Odilning buvisi ularni ko'rib qolib, tanbeh bera boshladi:

– Hoy bolalarim, mushukchani azoblamanglar, bu yomon odat, vahshiylik, uning joniga ozor bermanglar!

Buvi ularning oldiga kelib, qo'lidagi non bo'laklarini maydalab mushukchanning oldiga qo'ydi. Bolalarning qiynoqlaridan qo'rqib, qaltirab turgan mushukcha qorni och bo'lsa-da, ushoqlarga mo'ltirab turaverdi. Bir zum o'tgach, nihoyat, ularni yeya boshladi. Unga non bo'laklari juda mazali tuyuldi va minnatdorchilik bildirgandek buvining oyoqlariga suykaldi. Bolalar bu mittigina jonivorning qanchalar mehr-shafqatga muhtojligini his qildilar. Uni qiynab xato qilganliklarini tushundilar.

Mushukchanning qop-qora ko'zlaridan yoshlar oqib turgandek edi. U onasini qidirib ko'chaga chiqqan va adashib, bolalarning qo'lga tushib qolgan ekan.

Buvi nabiralarga jonivorlarni qiynamaslik, atrof-muhit, ona tabiat bilan do'stona munosabatda bo'lish lozimligi, bu insoniy burch va insoniy fazilat ekanini uzoq tushuntirdi.

Xatolarini anglagan Odil bilan Alisher mushukchanning onasini qidirib topdilar va bolasini unga qaytardilar.

Катталар эътиборига...

Телевизорнинг бола саломатлигига ва тарбиясига таъсири

Испан ва немис олимлари ҳамкорликда изланиш олиб бориб, телевизорнинг бола уйқуси ва умумий саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатишини аниқлади. Изланишга 700 нафар бола жалб этилди. Уларнинг 120 нафарида уйқусизлик, безовталиқ ва кечаси бир неча марта ваҳимага тушиш ҳолатлари аниқланди. Мутахассислар уларнинг хатти-ҳаракатларини маълум муддат кузатгач, барча маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келдилар: юқоридаги ҳолатлар мультфильмдаги зўравонлик таъсирлари оқибатида пайдо бўлган.

Олимлар 2 ёшгача бўлган кичкинтойларга телевизор кўришни қатъиян таъқиқлаш, ундан катта ёшдагиларга эса ҳафтасига ўртача 2-3 соат рухсат бериш мақсадга мувофиқ, деган фикрга келдилар.

Фарзандимизга телевизорни ёқиб берганимизда қандай мақсадни кўзлаймиз? Боланинг шодланиши ёки бирор нарсани ўрганиши учунми? Ё боладан осон “кутулиш” учунми? “Бу нарса боламга нима беради?” деган саволни ўйлаб кўрамизми? Фарзандимиз учун фойда келтирадиган дастур ёки тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бирор мультфильмни топиб, танлаб берамизми?

Болалар катталарга нисбатан ахборотни самарали равишда ўзлаштириб оладилар. Улар ҳамма нарсани тез хотираларида сақлаб қолишга қодир ва ахборотни таҳлил қилмай (чунки бола таҳлил қила олмайди) ўзлаштирадилар. Демакки, бу ўта жиддий масала ҳисобланади. Мультфильмлар бола шахсининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Мультфильм реал ҳаёт билан тўқима ҳаётни акс эттиради. Масалан, ундаги қаҳрамонлар бошига оғир нарсалар тушиб кетади, ҳар хил предметлар билан батамом ҳалок қилувчи зарбаларга дуч келади, аммо бу қаҳрамонлар шунча зарбалардан кейин ҳам дарров ўрнидан сакраб тураверади, ҳеч нарса бўлмагандек юриб кетаверади. Бу ниҳоят даражадаги аҳмоқлик бўлиб, жабрланувчининг бир лаҳзалиқ азоб-уқубати кулгули ҳолдек кўрсатилади. Масалан, бунга “Tom and Jerry” мультфильмини мисол келтириш мумкин. Бола экранда кўрганларини амалда, ҳаётда бажариб кўргиси келади. Россия телеканалларининг бирида руҳшунос болалар майдончасида бир ёшга ҳам тўлмаган чақалоқни болалар ўртага олиб калтаклашгани ҳақида гапирди. Аниқланишича, чақалоқни калтаклаган боғча ёшидаги болалар “Ох, уж эти детки” мультфильми таъсири оқибатида шундай қилишганини сўзлаб беришган. Ҳақиқатан бу мультфильмда чақалоқлар хунук махлуқчалар сифатида тасвирланган. Мазкур типдаги баъзи мультфильмларда воқеалар ривожини зўравонлик, ожизни аямаслик, хазиначилар ахтариб топиш ёки емак учун қатор ярамасликлар содир этиш билан боғлиқ. Бундай турдаги сценарийларнинг асосий мазмуни жуда оддий – “Озгина ғайрат қил, улкан хазина топиб, истаганингча ўйин-кулгу қилиб яшайверасан”. Улар жуда қизиқарли ва саргузаштларга бой, аммо “буюк текинхўр” ғоясини, энгил бойлик орттириш ёки зўравонлик мафқурасини тарғиб этмоқда.

Маълум бир тарбиявий мақсадларга қаратилган қатор анъанавий ўзимизнинг мультфильмларимиз ҳам бор. “Зумрад ва Қиммат”даги кўринишларни ёдга олинг. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди.

“Коса тагида нима коса” қабилда юртимизга кириб келаётган “оммавий маданият”дан огоҳ бўлинг.

Болаларимиз тарбиясини ўз қўлларимиз билан бой бериб қўймайлик!

*Наргиза Рустамбекова
Шахноза Акрамова (тадқиқотчи)
Ноила Холматова*

Фарзанд тирикчилик воситасими?..

Фарзанд – ўғилми, қизми – Аллоҳ таоло томонидан берилган буюк неъмат. Орамизда тирноққа зор, эрта-ю кеч Яратгандан фарзанд тилаётган, юрак-бағри қон қанча замондошларимиз бор. Фарзандни чиройли қилиб вояга етказиш, гўзал тарбиялаш, одамларга, жамиятга керакли инсон қилиб ўстириш ҳар бир ота-онанинг бурчи, вазифасидир.

Яқинда республикамизнинг Фарғона вилоятидаги даволаниш сиҳатгоҳларидан бирида бўлдим. Бу ерга кўнгил очар концерт гуруҳлари орасида «Томоша» деб номланган бир гуруҳ келди. Томошадан сўнг бу гуруҳ ўзига жуда тўғри ном топибди, деган хулосага келдим. Бу оддий томоша эмас, аянчли томоша, тиланчилик томошаси, томошабинларнинг ҳам савиясини белгилайдиган томоша эди. Гуруҳ раҳбари ўзи билан бирга 3-синф ўқувчиси Хуснидабонуни ҳам олиб келган экан. Қизчанинг чиройли рақсга тушишини, акробат эканини олдин обдон мақтади. Уни ўртага олиб чиқиб, истеъдодини намоён қилдирди. Қизча чиндан ҳам чиройли рақсга тушар, машқларини яхши бажарарди. Аммо ота (гуруҳ раҳбари қизчанинг отаси экан) қизчадан 9 ёшли қизалоқ учун мутлақо оғир, турли ҳаракатларни кўрсатишга даъват этар, томошабинлардан атаганларини тезроқ олиб чиқишларини тинмай сўрар эди.

Тирикчилик учун ҳеч қандай томоша кўрсатмай ҳам тиланаётганлар бор. Бу томоша уларнинг оилавий касби эканини ҳам тушуниш мумкин. Аммо...

Сўнг ота қизчага “шпагат” очтирди ва уни “қурбақа” ҳолида ерга ёпиштириб ётқизди. Қизчанинг белига ўзи чиқди. Қизча тахминан 70-80 кгдан ортиқ вазнли отасининг оёқлари остида қолди... Ота ерга тушгандан сўнг бечора қизча бир муддат ўрнидан туролмай қолди. Бунга қадар у қизчани гўё темирдек йиғиштириб, суякларини бир жойга тўплаб қўйди ва: “Азизлар, “ғужанак қуёнча”ни кўрганмисиз? Мана, кўринглар, завқланинглар!” деб боши узра кўтариб, даврада бир неча бор айлантирди. Қизча сохта жилмаяр, унинг беғубор юзидан жони оғриётганини сезиш қийин эмасди. Айниқса, худди буюмни қайиргандек, унинг бошини олдинга эгиб, орқага қайириб қўйганида қизчанинг эси чиқиб кетди. Микрофонда отасининг оғзи: “Биз кучлимиз, қобилиятлимиз, кўриб кўзингиз қувонсин!” каби тинмай такрорлаётган даъватлари остида қизча ўзини базўр тутишга ҳаракат қиларди. Буни кўриб турган томошабин онахонларнинг ярми бу ҳолатга чидолмай, даврадан чиқиб кетди. Айримлар эса қизчанинг қўлларини пулга тўлдиришди. Бу пул бериш нима учунлигини, тўғриси, тушунмадим. Бу қизчага раҳм-шавқат изҳори эдими? Ёки ўз қизалоғини одамлар кўз олдида қийнаётган отанинг разил ҳаракатларини рағбатлантириш эдими?

Масаланинг яна бир аянчли томони – бу тиланишда. Тўғри, пулли томошалар қилинади ва, албатта, бу билан чиқим-харажатлар қопланиши керак. Аммо бунинг учун тиланиш шарт эмас. Оддий қоғоздан чипта тайёрлаб тарқатилса ҳам, ўша пулни йиғиб

олиш мумкин. Томошада қизалоқнинг кафтларини очтириб, барчадан тиламчи сингари пул йиғдириш тўғрими?! Энг асосийси бундай томоша 9 ёшли қизчани, фарзандни азоблаш эвазига эмас, нозик ниҳолни нотўғри парваришлаш эвазига бўлмаслиги керак.

Қиз бола – бўлажак она! Уни ёшлиқдан тирикчилик воситасига айлантириб, халқ ўртасида қўл очиб пул йиғишга рағбатлантириш, унда тиланчиликнинг юзсиз кўринишларини шакллантириш нафақат нотўғри, жуда аянчлидир. Томоша орасида қизалоқнинг отаси даврадан четда эканини кўриб, у билан суҳбатлашдим. Чунки бундай «томоша»га томошабин бўлмасдим ёки бошқалар сингари бепарқ кета олмасдим. Ота қизча бир ойда қанча топишини, бу пулни рўзғорга ишлатишини айтди. Бундай ҳаракатлар нотўғри эканини тушунтирмоқчи бўлдим. Ҳатто, “Қизча учун ҳар ой маблағ бериб тураман, манзилимни ҳам бераман, – дедим. – Фақат қизалоқни бундай томошаларга олиб чиқманг, қийнаманг, унга хунар ўргатинг, цирк мактабларида ўқитинг, истеъдодини тўғри йўл билан юзага чиқаринг,” дедим. Аммо, минг афсус, ота: “Қиз меники!” деди, унамади, ҳатто ғазабланди.

Жуда тўғри, фарзанд сизники, шундай экан, унинг саломатлиги, келажаги ҳам сизники эмасми?! Уни боқиш, едириш, ичириш вазифаси ҳам сизники эмасми?! Нега унинг миттигина елкачасига рўзғор хуржунини осасиз, нега жонингиз ширинлик қилиб, ўз вазифангизга қизалоқингизни шерик қиляпсиз? Ҳар бир боланинг келажаги бутун бир миллат келажаги билан боғлиқ. Фарзанд оғриғи ўз отасини ташвишга солмаса, билмадим, бундай оталарни ким деб аташ мумкин?.. Бола меҳнатидан ноўрин ва нотўғри фойдаланадиган ота-оналарни тартибга чақириш вақти етгандир? Балки бу ҳолатни улар яшаётган маҳалла фаоллари ҳал қилишга киришар?..

Вояга етмаган фарзанд ота-онани боқишга, рўзғор тебратишга мажбур эмас, аксинча, ота-онанинг мажбурияти – бу, ота-она зиммасидаги фарз ва қарз – бу!

Болангизни порага ўргатманг

“Агар ақлли бўлсанг, сенга ширинлик бераман”.

“Агар аъло баҳоларга ўқисанг, истаган ўйинчоғингни олиб бераман”.

“Агар хонангни тозаласанг, сени хиёбонга олиб бораман”.

Бола тарбиясида мукофотнинг ўрни жазодан ҳам муҳимроқдир. Аммо мукофот порага айланса-чи? Доимий “мукофотлар”га ўрганиб қолган боланинг тақдири ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўрганмисиз? Бу боланинг ҳаётда таъмагир, қўпол қилиб айтганда, порахўр бўлишига дастлабки пойдевордир.

Сиз боланинг яхши дарс ўзлаштиришини мукофотга боғлаб қўясиз, у одобли бола бўлиши эвазига нимадир олишни хоҳлайди. У одобни инсон учун энг чиройли фазилат эканини, инсон одобни билан гўзаллигини, одоб инсонийликнинг асосий қоидаси эканини билмаса, фақат мукофот олиш учунгина одобли бўлиш керак, деб хулоса чиқаради. Мукофотсиз одобсиз бўлишим мумкин ва бунга ҳақлиман, деб ўйлайди. Арзимаган меҳнати эвазига ҳам мукофот кутади, бу болада нафақат порахўрликни, дангасаликни ҳам шакллантиради. Боланинг қизиқишлари сўнишига олиб келади. Чунки у келгуси ҳаётида ҳам ҳаммадан уни руҳлантиришларини кутиб яшайди, табиийки, уни ота-онаси каби ҳамма руҳлантирмайди, мукофотламайди, оқибатда боланинг руҳи синади. Унинг ўзига бўлган ишончи йўқолади. Фарзандингизнинг комил инсон бўлишини истасангиз, унга ҳеч қачон пора берманг. Совғалар ва рағбатлантиришларни у кутмаган пайтда амалга оширинг.

Оиладаги зўравонлик

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, оиладаги зўравонликлар, урушлар ва шу каби кўнгилсиз ҳолатлар оқибатида болалар қўрқиши, уларнинг сержаҳл, индамас ёки ғалати бўлиб қолишларига сабаб бўлиши мумкин.

Болаларингиз олдида уришишдан, бир-бирларингизни ҳақорат қилишдан тийилинглари. Болаларни уруш-жанжал, сўкиниш, умуман, тўс-тўполон ва носоғлом муҳит ҳукм суриши мумкин бўлган жойлардан асранглари. Бу нафақат боланинг тарбиясига, унинг саломатлигига жиддий зарар еткази.

Бундай вазиятларда болалар меҳр-шафқат, диққат-эътибор ва таскинга муҳтож бўлиб қоладилар. Болаларга кечинмаларини доим ўз ёшларига хос тарзда ифодалашга имкон бериш керак. Қўрқув, жисмоний оғриқлар ва зўравонлик билан боғлиқ ҳолатлар уларга руҳан ёмон таъсир этади. Бундай вазиятларда кўп болалар ўзларини олиб қочадиган, одамови, хаёлчан бўлиб қоладилар. Кучли қўрқув боланинг ҳатто гунг, соқов бўлиб қолишига ҳам олиб келади. Айрим болалар эса жим, ҳеч нима бўлмагандек юрадилар, аммо уларда узоқ вақт руҳан изтироб чекиш ҳолатлари кузатилади.

Бундай пайтда болаларни ҳеч қачон ўз ҳолига ташлаб қўйманг. Хуш кайфият бағишлайдиган ўйин ёки машғулотларни у билан бирга бажаринг. Унинг оғир руҳий ҳолатидан қутулишига ёрдам беринг. Болалар гап-сўзларини кимдир тинглашини жуда ишташади. Гапиртириш орқали ҳам ундаги ёмон кечинмаларни чиқариб юбориш мумкин. Асосийси, бола ўзини қийнаётган ҳолатни ичида сақлаб, эзилиб юрмаслиги керак. Болалар ҳамиша ҳамдардликка муҳтож бўладилар. Болада оғир руҳий ҳолат узоқ вақт сақланишига бефарқ бўлманг. Лозим бўлса, мутахассисларга мурожаат қилинг.

Ўз хатолари учун фарзандининг тарбияси ва саломатлигини қурбон қилишга ҳеч бир ота-онанинг, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Маънавий парҳез

Биз кўпинча болаларимизни муҳокамадан маҳрум қиламиз, барча ишни мушт у калтак остида «ҳал қиламиз». Масалан, болага “Дарсингни қил!”, “Тирноғингни ол!”, “Менга ёрдам бер!” деб айтаемиз. Лекин қай тарзда? “Айтганларимни қилмасанг, калтак ейсан!” дейемиз. Бу буйруғимиз худди кўрга «Ҳассангни ташлаб, шу йўлга тушиб кетавер, агар тошга урилиб йиқилсанг, ўлдирамиз!» дейиш билан баробар...

Мулоҳаза қилиб кўрайлик: бола дарс тайёрламаслик, тирноқ олмасликнинг зарарини билмас, қандай қилиб айтганларимизни самимий қабул қилсин?! Болалигида калтакдан қўрқиб амал қилади, аммо улғайиб, калтак зарби хотирасидан чиқиб кетгач, ўзи хоҳлаганича иш кўради. Биз “қил” деганимизни қилмай, “қилма” деганимизни қила бошлайди. Мана шу жабру зулмимизнинг «фойдаси» бўлади. Агар биз дарс тайёрламасликнинг, тирноқ олмасликнинг ёмон ва зарарли эканини ширин сўз билан тушунтирсак, болани яхши ишларга рағбатлантириб, ёмон ишлардан нафратлантира олсак, айтганларимизни ўзи хоҳлаб бажаради. Дийдорингиздан безор бўлмайди. Ўргатаётган ҳар бир нарсанинг моддий ва маънавий томонларини тушунтирмоқ керак. Бола мустақил фикрлаб, тўғри хулосалар чиқариб борар экан, унинг нафақат ички олами, одоб, кўриниши ҳам гўзал бўлиб бораверади. Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар. Улар худди сувга ўхшайдилар: сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг ахлоқини қабул қилдилар. Уйда ота-оналаридан, кўчада

ўртоқларидан, мактабда устозларидан одат ва ахлоқларини ўзлаштирадилар. Ота-оналар ва ўқитувчилар аввало ўзлари чиройли тарбия соҳиблари бўлишлари керак. Бу ўринда маънавий парҳез деган иборани қўлласак, тўғри бўларди. Уларни бадахлоқ муҳитдан, бузуқчиликни тарғиб қилаётган китоблар, мультфильм, кинофильмлардан, суратлардан, бошқа воситалардан ва умуман болаларимизнинг келажагини куйдирадиган барча нарсалардан сақлаш ҳақида ўйлаб кўришимиз лозим.

*Абдурауф Фитрат,
«Сайланма» китоби асосида тайёрланди.*

Шахс тарбияси

Ҳайвонот оламида бургут энг мағрур ва кучли қуш сифатида маълум. Ана шу бургут болаларини очганидан сўнг полапонлари тетапоя қилишини кутаркан. Ота ва она бургутлар қаддини тута бошлаган бургутчани осмону фалакка олиб чиқиб, ерга ташлаб юбораркан, бургутча учишга интилиб эпласа, учиб кетаркан, учолмаса, ота бургут илиб оларкан. Бу ҳолат то бургутча уча олгунга қадар такрорланар экан. Минг азоб ва хатар билан учишни ўрганиб олган бургутча энди ўзи емак ахтараркан, овларкан, ўзининг мустақил бургутлик ҳаётини бошлар экан...

Биз одатда болаларимиз номидан қарор чиқаришни жуда яхши кўрамиз ва буни амалда қойилмақом қилиб бажаряпмиз. Фарзандимизни ўзига эмас, бизга ёққан боғчага, мактабга, университетга олиб борамиз. Унинг қизиқишлари, қобилияти биз учун иккинчи даражада туради. Ўқишни тамомлагач, келинни ёки куёвни ҳам ўзимиз танлаймиз. Уйланажак йигит келинни онам кўрсин, дейди, онасига маъқул келса уйланаверади. Оила қургач ҳам, набираларнинг тақдирини биз ота-оналар белгилаймиз. Нечта фарзанд кўрадилар, улар қайси боғча, мактабга борадилар?.. Қарабсизки, беқарор фарзандлар, беқарор набиралар, беқарор оила ва беқарор жамият бўй кўрсатиб турибди. Тарихдан маълумки, аҳолисининг беқарорлиги сабабли кўп ўлкалар мустамлака бўлган, қўлдан чиққан, қуллик занжири бўйнига тушган, ўлкалари таланган, зеро беқарор жамиятни қўлга киритиш мушкул бўлмайди.

Беқарор одам – бу кемтик шахс, мустақил фикрлай олмайдиган, доимо кимдир жиловидан етаклаб юриши керак бўлган ҳайкал, робот дегани.

Бу ўз фарзандининг ҳаётига тажовуз дегани. Ота-оналар билиб-билмай ана шу тажовузни қилмоқдалар. Фарзандларга мустақилликни, шахс сифатида, қарор қабул қилиш, ҳаётда керак бўлса, машаққат билан ўз ўрнини топа олишларига ёрдам бериш ўрнига уларнинг ўрнига яшаймиз гўё. Буни фарзандларнинг умрига эгалик қилиш дейиш ҳам мумкин.

Бола она қорнидаёқ эркин ва мустақил бўлади. Ой-қуни етган ҳомилани ҳеч ким тўхтатиб тура олмайди. Ҳомила тўлғоқ билан она қорнидан ўзи чиқади. У туғилгач, қорни очса, йиғлайди, таги ҳўл бўлса, инжиқлик қилади, овоз беради. Вақт ўтиб, ўзим юраман, ўзим овқат ейман, ўзим кияман, деб тўполон қилади. Демак, инсон ҳур, эркин, мустақил туғилади ва шундай яшашга интилади. Аммо биз унга ўзимиз едиришга, кийдиришга ҳаракат қилаверамиз. Унинг қизиқишларини бирчетга суриб қўйиб, ўрнига ўзимиз ўқиймиз, бизга ёққан соҳада юришини истаймиз. Мен ўқитувчи бўлдим, сен ҳам ўқитувчи бўласан ёки тадбиркор бўлдим, шуни қиласан, деймиз. Оқибатда болани беқарор, мустақил фикри бўлмаган, танбал, мажруҳ бир шахсга айлантириб қўямиз.

Ўзимизга, фарзандимизга, миллатга нисбатан жиноят қилганимизни тушунмаймиз...
Улуғлар: “Шахс мустақиллиги таъминланган ва тажовузлардан холи бўлган жойдагина ютуқлар ҳамда олий мақсадларга эришиш мумкин”, дейдилар.

Йўқотилган туйғу

Болаларни яхши кўраман...

Чунки уларнинг кулгуси самимий. Ҳаракатларида ясама бирор нарса учрамайди. Боладаги беғубор ва муаттар борлиқ катталар орасида йўқ. Кекса кишилар, хасталар, ёлғиз одамлар болалар билан овунишади, дилларига таскин беришади...

Болаларни яхши кўраман...

Чунки уларнинг кўзлари беғубор, қалблари тоза. Улар хиёнат нималигини билишмайди. Уларнинг ўзлари ҳам, нигоҳлари ҳам сизни ҳеч қачон алдамайди. Мурғаккина қалбларида энг тоза, энг беғубор туйғулар яшайди. Сиз буларни кўришга қодир бўлмасангиз, кўзларига боқинг – масъум нигоҳларида соддадил туйғуларининг тиниқ аксини кўрасиз...

Болаларни яхши кўраман...

Чунки улар кин ва адоват нималигини сираям билишмайди. Ўзларига нисбатан қилинган қўпол ва совуқ муомалани жуда тез унутишади. Юзига тарсаки туширган қўлларни бир соат ўтиб-ўтмай, чин бир муҳаббат билан, илиқ бир меҳр билан ўпишади...

Бир муддат олдин қайноқ инжулар тўккан мужгонлари қуриб улгурмасдан келиб бўйнингиздан қучоқлайди, юзларингиздан ўпади, чимирилган қошларингиз ўртасини, тиришган пешонангизни нозик қўлчалари билан силайди...

Чунки уларнинг кўзлари, қулоқлари ва оғизлари кўнгил ҳовузига гуноҳ оқизмайди. Шу сабаб кўнгиллари соф, ғуборсиз. Қўлларидан, бармоқларидан ҳам гуноҳ томчиламайди. Шу сабаб уларнинг қўллари теккан нарса кирланмайди.

Болаларни яхши кўраман...

Чунки уларнинг вужудларида гул ҳиди бор, райҳон ҳиди бор. Уларнинг кўзлари дунёни бошқача рангларда кўради, тоза рангларда кўради.

Болаларни яхши кўраман...

Чунки уларда менга ҳам Аллоҳ томонидан инъом қилинган, лекин аллақачонлар йўқотиб юборганим покиза туйғулар бор...

Болаларни яхши кўраман...

Гулбаҳор Абдуллоҳ қизи

Хавфсизлик қоидалари!

Ҳар бир инсонда фавқулодда вазиятларда кўрқув ҳосил бўлади.

Бу ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг табиий кўриниши. Бу ҳисни бошқаришни болаларга ўргатиш жуда муҳим масала. Бунини болаларга, албатта, ўргатиш ва такрорлаб туриш лозим.

1. Бола йўқолиб ёки адашиб қолди.

Бола ўзига ўзи ёрдам бериши лозим. У катта ёшдагилардан ёрдам сўраши керак. Ёрдам сўрайдиган киши эса давлат ходими бўлиши жуда муҳим. Милиционер ёки ўзи турган жойга яқиндаги бирор ишхона ишчиси...

Болага исми, фамилияси, ота-онасининг исми, телефон рақами, уй манзили – буларни ҳар доим такрорлаб ўргатиб бориш зарур.

2. Ёнғин – бу фалокатдан эҳтиёт бўлиш, ундан кўрқиш зарур. Оловдан нотўғри фойдаланиш кучли хавф-хатардир. 6 ёшга тўлган бола қуйидагиларни билиши шарт:

- Гугурт ва олов билан ўйнашиб бўлмайди.
- Газ плитаси бурагичларига, керосин лампаларига, гугуртга тегиш мумкин эмас.
- Агар бирор жойда ёнғинни кўрсанг, катталарни чақир.
- Агар ёнғин сен сабабли бўлган бўлса, энг тўғри йўл – зудлик билан у ердан қочиб чиқ.
- Одамларни ёрдамга чақир.

3. Қишда қор эриётган вақтда кўп қаватли уйларнинг тагидан юрма, муз сумалаклар оқиб тушиб, бошингни ёради ёки юз-кўзингга жароҳат етказиши мумкин.

4. Ҳайвонларга тегажожлик қилма.

5. Сувнинг таги кўринмаётган бўлса ва атрофингга катталар бўлмаса, у ерга тушма.

6. Биргурух кўча безорилари болага дўққилиб, унинг бор пулини ёки телефонини олиб қўймоқчи бўлишди. Майда безорилик ҳар ерда бор. Уларнинг болага дуч келмаслигини ҳеч ким кафолатлай олмайди. Одатда талончилар яширин, пана жойларда, қурилиш майдонларида, дарвозалардан чиқаверишда, хилват бекатларда кўп учрайди. Бунда болаларга қаерга қочиш кераклигини тушунтиринг.

Бунда энг осони ва бола эплай оладигани уларни алдаб қочиш ёки баланд овозда ёрдам сўраб бақириниш, “Нега менга тегяпсизлар?” деб бор овозда жар солиши.

7. Бола лифтга қамалиб қолди. Агар қаватлар орасида лифт тўхтаб қолса, бола кўрқмасдан нима қилиши лозимлигини тушунтиринг.

Диспетчерни чақирувчи тугмачани босиш, агар тугмача ишламаса, лифт эшигини эмас, лифт деворларини тақиллатиш (чунки шундай бўлганда лифт деворларида тебраниш ҳосил бўлиб, товуш узоқ масофагача эшитилади) лозим. Лифтдан шахтага чиқишга уринмаслик керак. Бирдан лифт пастга тушиб кетиши мумкин.

8. Нотаниш одам болага конфет, сақич, машинада сайр қилиш ёки кинога боришни таклиф қиляпти.

Болани уйдан чиқаришда унга буларни эслатинг!

Четдаги одамлар билан гаплашмасин;

Бегоналар билан ҳеч қаерга бормасин;

Агар бегона унга тегмоқчи бўлса, «Мен уни танимайман!» деб қичқириши керак!

9. Боланинг ёлғизлигида уйни бегоналар тақиллатиб келишса;

Электрик ёки слесарь келса;

«Сенинг оининг кўчада касал бўлиб қолди, сени ўша ерга олиб борамиз», деса;

«Сизларникида ҳам свет ўчдимми?» деса;

Бола «Ҳозир кўшнени ёки милицияни чақираман!» деб жавоб бериши мумкин, буни эшикдан очмасдан амалга оширса бўлади. Боланинг юқоридаги ҳолатларни бажара олишига ишонгандагина уни уйда ёлғиз қолдириш мумкин.

Тарбия сув ва ҳаводек зарур

Яхши таълим-тарбия, шубҳасиз, инсоннинг жисми ва руҳий дунёсига фойдали, уни ҳар икки жаҳонда бахтли-саодатли қиладиган, илм ва тажриба билан бир қаторда диёнату билимдонлик, балоғат бахш этадиган, тўғри йўлга, эзгу ва маъқул ишларга ундайдиган таълим-тарбиядир. Ақл илмга нақадар тўлиб-тошса ҳам, қалб ва кўнгилни сира унутмаслик керак: инсон ўзидаги маънавий жиҳатларни – виждон ва нафсини тарбиялаши, эҳтиросларини бошқара олиши, хунук одатларини тарк этиши, мавжуд илмий ютуқларини инсоният фойдасига йўналтира оладиган зеҳниятга эга бўлиши зарур.

Маънавий қадр қиймати йўқ, бирёқлама, моддиюнча таълим-тарбия таъсиридаги инсонлар кўпинча тўғри йўлдан озадилар. Улардан кутилган эзгулик ва яхши натижани кўрмайсиз. Чунончи, маслаги Ватан ва халқини муҳофаза қилмоқчи бўлган зобит тарбиясининг бузуқлиги боис Ватанга хиёнат этиши мумкин. Инсон соғлиги йўлида жон куйдиришга қасам ичган бир ҳаким беморни сўриб-кемириб, жонини олиб, жиноят содир этиши мумкин.

Мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган бир дипломат давлат сирларини бемалол сотиб кетиши мумкин.

Порахўр ва судхўр бир раҳбар молу дунё эвазига халқини бошқалар қўлига мустамлака қилиб бериши мумкин ва ҳоказо.

Демак, башариятга фидокорона хизмат қилишни, адолату фазилатни, одобу назокатни, раҳму шафқатни, меҳру муҳаббатни ўргатадиган бир таълим-тарбия биз учун сув ва ҳаводек зарурдир. Бу эса фақат иймон ва нафс тарбияси билангина амалга ошади.

Маҳмуд Асъад Жўшон,
“Тасаввуф ва нафс тарбияси” китобидан.

Диққат: ўргимчак тўри

Интернетга бежизга “Ўргимчак тўри” деб ном берилмаган. Бу тўрга тушган одамнинг қайтиб чиқиши жуда қийин. Бугун бу тўрга илинган “пашшалар”нинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Ачинарлиси шуки, уларнинг кўпчилигини ёшлар, ҳатто мактаб ўқувчилари ташкил этмоқда. Агар фарзандингиз кунига 5 соатдан ортиқ вақтини интернетда ўтказаётган бўлса, демак, хавотирга асос бор!

Интернет жуда арзон ва қулай ахборот манбаи. Қўл телефонлари орқали ҳам тармоққа осонгина уланиш мумкин. Техника кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Курсига эмаклаб чиқадиган жажжи болакайлар ҳам биз каби ахборот манбаидан осон фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Аммо огоҳ бўлингки, интернетда фақат яхши, тоза ахборот тарқалмаяпти. Ярим яланғоч “холалар”, зўравон “амакилар” яна бошқа хил тушунарсиз тасвирлар кўп сайтларга “кўрк” бериб турибди. “Оммавий маданият” деган аждар атрофимизда, айниқса, интернет каби ахборот манбааларида оғзини очиб “ўлжаларини” пойлаб ўтирибди. Бутун масъулият ота-онага тақалаверади.

Бугун кўп сонли болаларимизга компьютер “энагалик” қилмоқда. Бола эътибор талаб бўлади. Онаси доим у билан бўлишини хоҳлайди. Боласининг йиғлаши ёки эътибор талаб қилаётганига тоқат қилмаган она уни компьютер ёки улкан плазмали экранга қаратиб овунтиради. Ҳали ўзининг кимлигини билмайдиган гўдак ёки бола мультфильм кўради, деб ўйлайсизми?

Йўқ, у улкан йиртқич ожиз кийикни бўғизлаб, гўштини нимталаётганини ҳам кўради. Она эса боласи тинчиб қолганидан хурсанд бўлиб, телефонда дугонаси билан соатлаб гап сотади. Ота-оналар фарзандининг бетгачопарлиги, дангасалиги, гап қайтариши ёки жиззакилигидан нолиб қоладилар. Бугунги ахборот асрида болалар тарбиясида бу жиҳатларга эътибор қаратиш ва болаларимизни ёмон тарбияга ўргатадиган жамики манбаалардан асраб қолиш барчамизнинг зиммамиздаги энг муҳим вазифадир!

*Зоҳиджон Холов,
“Маърифат” мухбири.*

Ташқи қиёфа

Инсондаги ташқи қиёфа кишининг қандай тарбия кўрганлигини англатади. Покизаликка ва гўзалликка интилиш ҳар бир кишининг табиатида бўлмоғи лозим. Уст-боши кир, соқоли ўсган ёки ўзини ортиқча пардоз билан безаш нафақат эътиборни тортади, балки жуда ёқимсиз ҳолатдир. Сочни ғалати турмаклаган, пиёладек зиракни осган қизлар ёки сочини елкасига тушириб олган йигит кишиларнинг ғашини келтиради. Ташқи қиёфадаги сунъийлик, андишасизлик ва дидсизлик нафақат одамни ноқулай аҳволга солади, унинг маданий савиясининг паст эканини ҳам кўрсатади.

Бугун урф бўлган татиуровка ҳақида тўхталиб ўтсак. Бу жуда ёмон амал ва гуноҳдир. Татиуровка саломатликка анча зарар келтириш баробарида инсондаги хотиржамликни, уйғунликни бузади. Қулдорлик тузумида қулдорлар ўз қулларининг баданларига тамға босганлар ва қулларини шу тамға орқали ажратганлар. Инсон қадр-қимматини ерга урадиган бу тамғалар наҳот эндиликда безак воситасига айланаётган бўлса?

Ташқи қиёфага эътиборли бўлиш яхши, аммо мақсад фақат бу бўлиб қолмаслиги керак! Бутун вақтни ўзига сарфлаб, қуруқ нусхага айланиб қолиш ҳам ярамайди.

Маънавий камолотга интилиш, маданият, спорт, жамоат ишлари – буларнинг барчаси бирдек муҳим. Шаклбозлик ишқибозига айланиш, турли ола-була кийимлар кийган туристларга сўлаги оқиб ҳавасланиш – булар “модапарастликка” олиб келади. Бундай уларнинг аксарияти текинхўр ва ишёқмас бўладилар. Жамиятимизда уларнинг сони кўпаймаслиги учун барчамиз курашишимиз лозим. Зеро, ташқи қиёфа қалбнинг ифодасидир! Фарзандларимиз тарбиясида шарқона одоб-ахлоқ ва миллийлигимиз руҳи сезилиб турсин!

Қандай мультфильм кўряпмиз?

Куннинг асосий қисмини телевизор қаршисида ўтказувчи болалар нимани томоша қилаётганликлари жуда жиддий ва муҳим мавзу! Бугун эртақ эшитувчи болалар сони камайиб бормоқда. Энди улар учун кечқурунлари ухлаш олдидан эртақлар ёки дostonлар эшитиш зерикарли туюлмоқда. Уларнинг маълум маънодаги тарбиячиси телевизор ва компьютердир. Шунинг учун экрандаги “устознинг” “сабоқлари” аҳамиятини ўрганиш долзарб масала. Мультфильмлардаги ҳар хил ёмон оқибатларга олиб келувчи саҳналар тўғрисида айрим мулоҳазардан сизни хабардор этсак.

“Бошмалдоқли қўлқоп” мультфильмида болага ота-онаси кучук олиб бермагани ҳақида ҳикоя қилинади. Қизалоқ ўзининг резинали қизил қўлқопини тасаввурида кучукча деб олиб юради. Уни кўрган болаларда умидсизлик кайфияти уйғонади.

“Мушук уйи” мультфильмида ғамгин томошалар жуда кўп. Ундан ташқари, ахлоқ меъёрларининг бузилганини ҳам кўриш мумкин. Бу мультфильмда гугурт билан ўйнаш ҳолатлари ҳам акс эттирилган.

Миллионлаб одамларга намоиш этилаётган жуда кўп мультфильмларда зўравонлик, фирибгарлик, бойликка ҳирс ва ҳаёсизликни акс эттирган сюжетлар қайта-қайта такрорланган. Масалан, “Том ва Жерри” дагидек одамлар бир-бирининг бошига белкурак билан урса, бу аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. “Скрудж макДак” даги асосий қаҳрамон ўрдақ Скрудж амаки пулга, бойликка меҳр қўяди. Олтинларини ертўлага яширади. Бу мультфильмни кўрган болаларда ўзаро бир-бирини бой-камбағалга ажратиш ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин. Мутахассислар бундай мультфильмлар болаларни тажовузкорлик, ҳаёсизлик, бетгачопарлик, зўравонликка чақиради, деб таъкидлашмоқда. Шундай экан, компьютер ва телевизордаги “тарбиячилар” ва ахборот берувчилар билан жиддий қизиқиш зарур!

Огоҳлик – давр талаби! Кўчадан фарзандингизга мультфильм дискини сотиб олаётганингизда фикр қилинг. Болангизга бу мультфильм қандай таъсир этади???

**Санобар Жуманова,
“Маърифат” мухбири.**

Фойдаланилган адабиётлар

1. Келажак ёшлар қўлида. И.Каримов. Тошкент. "Ўзбекистон", 2010.
2. Ақл ва оқил. Тоҳир Малик. Тошкент. "Давр пресс", 2010.
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. Unicef. WHO.UNESKO. Ўзбекистон, 2003.
4. Как живете дети? З. Амонавшили.
5. Юз масал. Сабоҳат Тошпўлатова. Тошкент. "Муҳаррир" нашриёти, 2013.
6. Бола тарбияси ўйинчоқ эмас. Тошкент. 2009.
7. Истиқлол фарзандларимиз. Тўхтагон Раҳимова. Тошкент. 2004.
8. Ўзбек халқ мақоллари. "Шарқ" нашриёти. Тошкент. 2012.
9. Онаминг ҳикоялари. Тошкент. 2012.
10. Тонгги томчи. "Ўқитувчи". Тошкент. 2010.
11. Тафаккур дурдоналари. Тошкент "Янги аср авлоди", 2012.
12. Жиноятнинг узун йўли. Тоҳир Малик. Тошкент. "Давр пресс", 2011.
13. Тафаккур гулшани. В.Л.Воронцов. Тошкент. 1981.
14. Болангиз мактабга тайёرمи? Unicef, "Маърифат-мададкор" нашриёти.
15. Одамийлик мулки. Тоҳир Малик. "Шарқ" нашриёти. Тошкент. 2013.
16. Яхши сўз – қалб кўзгуси. Тошкент. 2002.
17. Масаллар. Баҳодиржон Шокиров. "Янги аср авлоди", 2009.
18. Оилам мустаҳкам бўлсин, десангиз. "Сано-стандарт", 2012.
19. Қалдирғоч. Тошкент. "Камалак".
20. Ахборот асрида таълим-тарбия. "Akademnashr", 2012.
21. Одамийлик сабоқлари. Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент. 1997.
22. Болажон, болажоним. Пўлат Мўмин. "Чўлпон" нашриёти, 2004.
23. Юртимиз тинчлиги энг катта бойлигимиздир. "Шарқ" нашриёти. Тошкент. 1999.
24. Шириндан-шакар эртақлар. "Муҳаррир". Тошкент. 2012.
25. Оналарга тавсиялар. Тошкент. 2004.
26. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Тошкент. "Маънавият", 2009.
27. Калила ва Димна. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2005.
28. Болалик осмони. Рисолат Ибрагимова. Тошкент. "Тафаккур" нашриёти, 2011.
29. Тамаддун. "Тафаккур" нашриёти. Тошкент. 2010.
30. Ватан. Шукрулло. "Шарқ" нашриёти. Тошкент. 2005.
31. Фарзанд меҳр ила улғаяр. "Сано стандарт". Тошкент. 2011.

UO'K: 177(076)

KBK:74.200.51

X-74

Xolmatova N.

1-sinf uchun odobnoma fanidan sinfdan tashqari mashg'ulotlar / Xolmatova N. -
Toshkent: «Nihol», 2013. - 60 bet.

ISBN 978-9943-23-069-9

UO'K: 177(076)

KBK:74.200.51

NOILA XOLMATOVA

**1-sinf uchun
ODOBNOMA FANIDAN
SINFDAN TASHQARI MASHG'ULOTLAR**

Muharrir:	To'lqin Nurmuhamedov
Musahhiha:	Zuhra Hamdamova
Dizayner va sahifalovchi:	Anna Ladina
Texnik muharrir:	Behzod Nurmuhamedov

Nashriyot litsenziyasi AI № 219, sanasi: 3.08.2012 yil.
Bosishga 16.08.2013 yilda ruxsat etildi. Bichimi 60x84 1/8.
Ofset qog'ozi. Ofset bosma. Pragmatic, Cambria, Calibri garniturası.
Kegl 16, 12.
Shartli bosma tabog'i 7. Bosma tabog'i 7,5.
Adadi 3000 nusxa. Buyurtma №184.
Bahosi kelishilgan narxda.

«Ofset print» MChJ bosmaxonasida bosildi.

Bosmaxona va nashriyot manzili:
Toshkent shahar, Shayxontoxur tumani,
Maxtumquli, 1-uy.
Tel.: 228-90-14.